

ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАР

ҚМҚ 2.03.08-98

РАСМИЙ НАШР

Ўзбекистон Республикаси Давлат архи-
тектура ва қурилиш қўмитаси

Тошкент

ҚМҚ 2.03.08-98 «Ёғоч конструкциялар» УзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси - Тошкент, 1998, 79 бет

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН. Х. Асомов номли УзЛЎТТИ АЖ томонидан (т.ф.н. Ш. А. Хакимов - мавзу раҳбари, т.ф.н. А.Б. Кузанов, К.А. Плахтий), «УзшахарсозликЛЎТТИ» (М.Ш. Рыжевский)

МУҲАРРИРЛАР: Ф.Ф. Бакирханов (УзР давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси), т.ф.н. С.А. Ходжаев, А.М. Камиллов, А.С. Ажидинов (ЎзЛЎТТИ АЖ)

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН — УзР давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг лойиҳа ишлар бошқармаси томонидан (Холмирзаев К.М.).

ҚМҚ 2.03.08-98 СНИП II-25-80 «Ёғоч конструкциялар» асосида ишлаб чиқилган

ҚМҚ 2.03.08-98 «Ёғоч конструкциялар» Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга киритилиши билан СНИП II-25-80 ўз кучини йўқотади.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг руҳсатсиз расмий ҳужжат сифатида тулик ёки қисман кучирилиши, қўлайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курулиш кумитаси (Давлат архитектура курилиш қўшма)	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари Ёғоч конструкциялар	ҚМҚ 2.03.08-98 СНиП II-25-80 ўрнига
--	---	---

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Мазкур бобдаги меъёрларга янги ва қайта тикланган иморат ва иншоотларни лойиҳалашда, ҳамда электр узатиш ҳаво тармоқларининг ёғоч таъинларини лойиҳалашда риъоя қилиш зарур.

Меъёрлар кўприк, гидротехник иншоотларнинг ёғоч конструкцияларини ҳамда вақтинчалик иморат ва иншоотлар конструкцияларини лойиҳалашга тегишли эмас.

1.2 Ёғоч конструкцияларни лойиҳалашда уларни намланишдан, биологик шикастланишдан, занглашдан (тажавузкор муҳитда ишлатиладиган конструкциялар учун), ҳамда ҚМҚ 2.03.11-96 ва СНиП 2.01.02-85*га мувофиқ ёниб кетишдан ҳимояланиши кузда тутиш зарур.

1.3 Ёғоч конструкциялар кўтариш қўбиллиги (чегаравий ҳолатларнинг 1-гuruhи) ҳамда юк таъсирининг давомийлиги ва ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда меъерий эксплуатация қилишга қаршилик қилмайдиган (чегаравий ҳолатларнинг 2-гuruhи) деформациялар бўйича ҳисоб талабларига жавоб бериши керак.

1.4 Ёғоч конструкцияларни уларни заводда ишлаб чиқарилишини, ҳамда эксплуатация қилиш, транспортда ташиш ҳамда алоҳида унсурлигича ҳам ийриқлаштирилган блоклигича йиғиш шaroитларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш керак.

1.5 Ёғоч конструкцияларнинг умрбоқийлиги, маъмури меъёооларнинг бобидаги кўрсатмаларга боғлиқ ҳолда конструктив чарҳо билан ҳамда зарур бўлган ҳолларда улардан ёниб кетиш, биологик зарарланиш ва номиланишдан сақлаш учун қилинадиган асровчи ишлов билан таъминланиши керак.

1.6 Ёғоч конструкцияларнинг шарт атрофдаги ҳаво ҳарорати 35°C дан ошмаса, елимланмаган ёғочда қўшилган бўлган конструкциялар учун ва 25°C дан

ошмаса олимланган ёғочдан иборат бўлган конструкциялар учун, доимий ва даврий узок киздириш шaroитларида қўллашга иул кўйилади.

1.7 Ёғоч конструкцияларни ясаш учун қўлланиладиган ёғоч навлари, елимлар, ҳамда 1-иловага мувофиқ ёғочга қўйиладиган зарурий қўшимча талаблар ишчи чизмаларда кўрсатилиши керак.

2. МАТЕРИАЛЛАР

2.1 Ёғоч конструкциялар тайёрлаш учун асосан ёғочнинг иннабаргли зотларидан фойдаланиш керак. Каттиқ тилоғоч зотидаги ёғочлар ёғоч миҳлар, тағлиқлар ва бошқа масъулиятли деталлар учун ишлатилиши керак.

Изоҳ Электр узатиш ҳаво тармоғи таъинларининг ёғоч конструкцияларини учун қарағай ва тилоғоч ёғочларидан фойдаланиш керак, 35 кВ ва ундан кам кучланишли электр узатиш тармоғи таъинларининг, ерга кўмилган устун ва тирамаларни ҳамда траверсларни истисно қилганда, конструкциялари учун эса, арча ва оқ қарағай ёғочлардан фойдаланишга руҳsat этилади.

2.2 Ёғоч конструкцияларнинг кўтарувчи унсурлари учун ёғоч ГОСТ 8486-86Е, ГОСТ 2695-83, ГОСТ 9452-88, ГОСТ 9463-88 бўйича 1, 2 ва 3-нав талабларини ҳамда 1-иловада кўрсатилган қўшимча талабларни қондириши керак.

Ёғочнинг мустаҳкамлиги 2-иловада келтирилган меъерий қаршиликдан кам бўлишлиги керак. Фойдаланишининг ҳарорат - намлик шaroитларидан келиб чиқиб, конструкция унсурларида фойдаланиладиган ёғочнинг намлигига 1-жадвалда кўрсатилган талаблар қўйилиши керак. Очiq ҳавода ёки ичи иситилмайдиган ҳоналарда конструкциядан фойдаланиш шaroитини шартловчи намлик соҳалари ҚМҚ 2.01.01-94 ва ҚМҚ 2.01.04-97га мос равишда қабул қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кумитасининг УЭЛИТТИ АЖ то монидан тақлиф этилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат ар- хитектура ва қурилиш кумитасининг 1998 йил 04-05 № 21 сонли буй- руғи билан тасдиқланган	Кўчга кирити- лиш мuddати «1» сентябр 1998 й.
--	--	--

Эксплуатациянинг ҳарорат-намлик шароитлари	Конструкциянинг эксплуатация шароити хусусияти	1-жадвал	
		Конструкциялар учун ёғочнинг максимал намлиги, %	
		елимланган ёғочдан	елимланмаган ёғочдан
	Ичкараси иситилмаган хоналарда ҳарорат 35°C гача бўлганда, ҳавонинг нисбий намлиги куйидигича бўлганда.		
A1	60%гача	9	20
A2	60дан юқори 75%гача	12	20
A3	75дан юқори 95%гача	15	20
	Ичкараси иситилмайдиган хоналарда		
B1	Курук соҳада	9	20
B2	Меъерий соҳада	12	20
B3	Курук ва меъерий соҳаларда хонанинг доимий намлиги 75%дан юқори бўлган ва нам соҳаларда	15	25
	Очиқ ҳавода		
B1	Курук соҳада	9	20
B2	Меъерий соҳада	12	25
B3	Нам соҳада	15	25
	Бино ва иншоотларнинг қисмларида		
G1	Тупрок билан тўлган эки тупрок ичидати		25
G2	Доимий намланувчи		Чекланмайди
G3	Сув ичидати		Чекланмайди

Изоҳлар. 1 A1 фойдаланиш шароитида ҳавонинг нисбий намлиги 45%дан кам бўлганда елимланган ёғоч конструкцияларни қўллаш руҳсат этилмайди. 2 Елимланмаган конструкцияларда, B2, B3 фойдаланиш шароитида, ёғочни қуритиш бирикмалар эластиклигини ошириш эки бузилишига олиб келмаса, 40%гача намликдаги ёғочни қўллаш чиришдан муҳофаза қилиш шарти билан руҳсат этилади.

2.3. Ёғоч дихлар, ўрнатмалар ва бошқа деталларнинг ёғочлари туғри қатламли, бутқосиз ва бошқа нуқсонларсиз бўлиши керак, ёғочнинг намлиги 12%дан ошмаслиги керак. Бундай деталларнинг, чириш жиҳатидан камбардошли ёғочлардан (кайин қорақайин) тайёрланганлари антисептика қилиниши керак.

2.4. Конструкция унсурларини диксоблашда думалок ёғоч материалларнинг қисқайиш катталиги 1 м узунлигига 0,8 см қилиб, тилоғоч учун эса - 1 м

узунлигига 1 см қилиб қабул қилиниши керак.

2.5. Конструкциянинг уз оғирлигини аниқлаш учун ҳисобловда ёғочнинг ва фанернинг зичлиги 3-илова бўйича қабул қилиниши керак.

2.6. Елимланган ёғоч конструкциялар унсурларини тасвирлаш учун синтетик елимларни, елимларнинг вазифаси, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олувчи гуруҳларга бўлинади, тавсия қилинувчи қўлланиш кўламлари 3-иловада кўрсатилган.

2.7. Елимланган ёғоч конструкцияларда ёғочни ва ёғоч билан фанерни елимлаш учун синтетик елимлар 2-жадвалга мос равишда белгиланиши керак.

2-жадвал

Елимланувчи унсурлар материаллари ва фойдаланиш шароитлари (1-жадвал бўйича)	Елимлар турлари ва маркалари
1. Ёғоч ва фанер билан ёғоч конструкцияларда, барча фойдаланиш шароитлари учун, Г1, Г2, Г3дан ташқари	Резорцинли ва фенол-резорцинли (ФР-12, ФР-50 турларидаги)
2. A1, B1, B1, Г1, Г2 ва Г3дан ташқари, ўшанинг ўзи	Алкилрезорцинли ва фенолли (ФЖ-301, ГОСТ 20907-75) ҳамда ФР-100, ОФК1АМ, СФХ турларидаги)
3. A2 ва B2 фойдаланиш шароити учун, ўшанинг ўзи	Карбамид-меламидли (КС-В-СК)
4. A2 фойдаланиш шароити учун, ўшанинг ўзи	Карбамидли (КФ-Ж, КФ-5) ҳамда ГОСТ 14231-88)

2.8. Елимланган фанерли конструкциялар учун ГОСТ 14231-88 ва ГОСТ 3916-89 бўйича ФСФ марказдаги фанер ҳамда ГОСТ 11539-83 бўйича ФБС марказдаги бакелизацияланган фанер қўлланилиши керак.

2.9. Ёғоч конструкцияларнинг пўлат унсурлари учун пўлатлар ҚМҚ 2.03.05-97 га мувофиқ ва пўлат арматуралар ҚМҚ 2.03.01-96 га мувофиқ қабул қилиниши керак.

2.10. Пўлатга нисбатан таҳовузкор муҳит шароитида ишлатилувчи конструкциялар унсурларининг бирикмаларида Д16-Т (ГОСТ 21488-76Е) алюминий қотишмаси, АГ-4С (ГОСТ 20437-89Е) шинапластик ДСПБ (ГОСТ 13913-78') бир йўналишли ёғочтонали пўлат

стик, ҳамда қаттиқ тилоғоч ёғочларидан фойдаланиш керак.

3. МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ХИСОБИЙ ХОССАЛАРИ

3.1. Қарағай (веймутлиларидан ташқари), арча, европа ва ялон тилоғочларининг ҳисобий қаршилиғи 3-жадвалда келтирилган. Бошқа ёғоч зотлари учун ҳисобий қаршилиқлар 3-жадвалда келтирилган катталикларни 4-жадвалда курсатилган - m утиш коэффициентларига кўпайтириш йўли билан топилади

Кучланиш ҳолати ва унсурларнинг хусусияти	Белгиланиши	Ҳисобий қаршилиқлар $M_{дл}$ ёғоч $кг/см^2$ навлари учун		
		1	2	3
		1. Эгилиш, сикилиш ва гола буйлаб эзилиш:		
а) Тўғри бурчак кесимли унсурлар ("б", "а" бандларида курсатилганлардан ташқари) 50 см гача баландликдаги	$R_{дл}, R_{сж}$	14	13	8,5
б) кесим баландлиги 11дан юқори 30 см гача бўлганда кенглиги 11дан юқори 13 см гача бўлган тўғри бурчак кесимли унсурлар	$R_{дл}, R_{сж}$	15	14	10
в) кесим баландлиги 13дан юқори 50 см гача бўлганда кенглиги 13 см дан юқори бўлган тўғри бурчак кесимли унсурлар	$R_{дл}, R_{сж}$	16	15	11
г) ҳисобий кесимида ўйхсиз думалок ёғоч материалларидан тайерланган унсурлар	$R_{дл}, R_{сж}$	—	16	10
2. Тола буйлаб чўчилиши:				
а) елимланмаган унсурлар	$R_{дл}$	16	7	—
б) елимланган унсурлар	$R_{дл}$	120	90	—
3. Толалар кўндаланиш юзаси буйлаб сикилиш ва эзилиш	$R_{сж}, R_{сжм}$	1,8	1,8	1,8
4. Толалар кўндаланишга эзилиш жойли:				
а) конструкциянинг таянч қисмида, унсурларнинг туташув тугунларида ва рўпара коваклариди	$R_{сжм}$	3	3	3
б) шайбалар остида эзилиш бурчаги 90 дан 60°гача бўлганда	$R_{сжм}$	4	4	4

3-жадвал давоми

Кучланиш ҳолати ва унсурларнинг хусусияти	Белгиланиши	Ҳисобий қаршилиқлар $M_{дл}$ ёғоч $кг/см^2$ навлари учун		
		1	2	3
		5. Толалар буйлаб парчаланиш:		
а) елимланмаган унсурларнинг эгилишида	$R_{сж}$	1,8	1,6	1,6
б) елимланган унсурларнинг эгилишида	$R_{сж}$	1,6	1,5	1,5
в) максимал кучланиш учун рўпара коваклариди	$R_{сж}$	2,4	2,1	2,1
г) елимланган унсурларда максимал кучланиш учун жойли:	$R_{сж}$	2,1	2,1	2,1
6. Толалар кўндаланишга парчаланиш:				
а) елимланмаган унсурлар бирикмаларида	$R_{сж90}$	1	0,8	0,6
б) елимланган унсурлар бирикмаларида	$R_{сж90}$	0,7	0,7	0,6
7. Елимланган ёғочдан тайерланган унсурлар толаларининг кўндаланишга чўзилиши:	$R_{р90}$	0,35	0,3	0,25

Изоҳ: 1. Тола узунлигининг бир қисмида кўндаланишга жойли эгилишга ёғочнинг ҳисобий қаршилиғи (қўлланмаган қисмлари узунлиги эзилиш эйдончаси узунлигидан ва унсурлар қалинлигидан кам бўлмаганди, ишбу қадавларнинг 4-бандида айтаётганидан ташқари 5-бандларда кўндаланишга буйлаб аниқланади

$$R_{сж90} = R_{сж} \left(1 - \frac{h}{L + 12} \right) \quad (1)$$

бу ерда: $R_{сж}$ - толаларнинг бутун юзаси буйлаб сикилишга ва эзилишга ёғочнинг ҳисобий қаршилиғи (ушбу жадвалнинг 3-банди).

h - ёғоч толалари буйлаб эзилиш жойлининг узунлиги см

2. Ёғоч толалари йуналишига α бурчак остида эзилишга ҳисобий қаршилиғи кўндаланишга буйлаб аниқланади

$$R_{сж} = \frac{R_{сж90}}{1 + \frac{R_{сж90}}{R_{сж}} - \sin^2 \alpha} \quad (2)$$

3. Ёғоч толалари йуналишига α бурчак остида парчаланишга ҳисобий қаршилиғи кўндаланишга буйлаб аниқланади

$$R_{сж} = \frac{R_{сж90}}{1 + \frac{R_{сж90}}{R_{сж}} - \sin^2 \alpha} \quad (3)$$

4. Қўндаланиш давоми 3 тайерланган ковакларда, ишбу қадавнинг 2-банди буйлаб қабул қилинган ҳисобий қаршилиқлар 3-бандида келтирилган керак

5. 3-банд ёғочдан тайерланган том тушмаиши кесаклари унсурлари учун эзилишга ҳисобий қаршилиғи 1,3 $M_{дл}$ (130 $кг/см^2$) якиб қабул қилиниши керак

4-жадвал

Егоч зотлари	Куйидаги ҳисобий қаршилиқлар учун m_1 коэффициенти:		
	толалар буйлаб, чузилишга, эгилишга, сиқилишга ва эзилишга R_n, R_c, R_{cm}	толаларига кўндалангига, сиқилиш ва эзилишга R_{c90}, R_{cm90}	Парчаланган кўндалангига R_k
Нинабарглилар			
1. Тилогоч, европа ва японияникидан ташқари	1,2	1,2	1
2. Сибир ирвити, краснояр ўлкаси-никидан ташқари	0,9	0,9	0,9
3. Краснодар ўлкаси ирвити, веймутов карағай	0,65	0,65	0,65
4. Оқ карағай	0,8	0,8	0,8
Каттик япроқлилар			
5. Эман	1,3	2	1,3
6. Шумтол, заранг, граб	1,3	2	1,6
7. Акас	1,5	2,2	1,8
8. Оқ кайин, қорақайин	1,1	1,6	1,3
9. Кайрагоч, ильм	1	1,6	1
Майин япроқлилар			
10. Зирк, тоғтерак, аргувон, терак	0,8	1	0,8

Изоҳ. Жадавлда кўрсатилган m_1 коэффициентлар антисептик шимдирилмаган тилогочлардан тайерланувчи ($\geq 25\%$ намликда) электр узатиш ҳаво тармоғи таянчларининг конструкциялари учун 0,85 коэффициентга кўнайгирилиши керак.

3.2 3-жадвалда келтирилган ҳисобий қаршилиқлар куйидаги ишлаш шароити коэффициентларига кўнайгирилиши керак:

а) конструкциялардан турли шароитларда фойдаланиши учун - 5-жадвалда кўрсатилган m_6 коэффициенти миқдориغا;

5-жадвал

Фойдаланиш шароити (1-жадвал бўйича)	Коэффициент m_6	Фойдаланиш шароити (1-жадвал бўйича)	Коэффициент m_6
A1, A2, B1, B2	1	B2, B3, Г1	0,85
A3, B3, B1	0,9	Г2, Г3	0,75

б) ҳавонинг $+35^\circ \text{C}$ гача бўлган барқарор ҳароратида эксплуатация

килинадиган конструкциялар учун - $m_7=1$ коэффициентга, $+50^\circ \text{C}$ бўлган ҳароратда - $m_7=0,8$ коэффициентга. Ҳароратнинг оралиқ миқдорлари учун коэффициент интерполяциялаб қабул қилинади,

в) конструкция унсурларидаги, доимий ва узок таъсир этувчи вақтинчалик юклардан ҳосил бўлган кучланишлар, барча юклардан ҳосил бўлувчи кучланишлар йиғиндисининг 80% идан ошадиган конструкциялар учун - $m_8=0,8$ коэффициентга,

г) қисқа таъсир этувчи вақтинчалик (шамол, монтаж ёки музлашга оид) юклар таъсирини эътиборга олиб ҳисобланувчи конструкциялар учун, ҳамда электр узатиш ҳаво тармоғи симларининг тортилишидан ва узилишидан ва зилзиладан тушувчи юклар учун - 6-жадвалда кўрсатилган m_9 коэффициентларига;

6-жадвал

Юк	Коэффициент m_9	
	толаларига кўндалангига эзилишидан ташқари, барча турдаги қаршилиқлар учун	толаларига кўндалангига эзилиш учун
1. 3-бандда кўрсатилганидан ташқари, шамол, монтажга оид	1,2	1,4
2. Зилзилага оид. Электр узатиш ҳаво тармоғи таянчлари учун	1,4	1,6
3. Музлаш, монтаж, яҳлагандаги шамол, ҳарорат ўртача йилгига ҳосилдан паст бўлганидаги симлар таранглинишига оид. Симлар ва троллар узилганда ҳосил бўлувчи	1,45	1,6
	1,9	2,2

д) эгилувчи, марказдан ташқарида сиқилган, сиқилиб-эгилувчи ва сиқилган баландлиги 50 см дан ортиқ бўлган туғри бурчак кесимли елимланган унсурлар учун, толалари буйлаб эгилишга ва сиқилишга ҳисобий қаршилигининг миқдори 7-жадвалда кўрсатилган m_{10} коэффициентларига,

7-жадвал

Кесим баландлиги см	50 ва ундан кам	60	70	80	90	100 ва ундан ортиқ
Коэффициент m_{10}	1	0,96	0,93	0,90	0,85	0,8

е) эгилувчи, марказдан ташқарида сиқилган, сиқилиб-эгилувчи ва сиқилган елимланган унсурлар учун қатламлари қалинлигига боғлиқ холда, толалари буйлаб эгилишга, парчаланишга ва сиқилишга ҳисобий қаршилигининг миқдори - 8-жадвалда курсатилган $m_{сд}$ коэффицентларига;

8-жадвал

Қатлам қалинлиги, мм	19 ва ундан кам	26	32	42
Коэффицент $m_{сд}$	1,1	1,05	1	0,95

ж) конструкцияларнинг букилган унсурлари учун чузилишга, сиқилишга ва эгилишга ҳисобий қаршилиги миқдори - 9-жадвалда курсатилган $m_{пн}$ коэффицентларига;

9-жадвал

Зуриктирилган ҳолат	Ҳисобий қаршилиқ белгиси	l/d нисбаг учун коэффицент $m_{пн}$			
		150	200	250	500 ва ортиқ
Сиқилиш ва эгилиш	R_c, R_n	0,8	0,9	1	1
Чузилиш	$R_{пн}$	0,6	0,7	0,8	1

Изоҳ: l_k - букилган газга еки тўсиннинг эгрилик радиуси, a - букилган тахта еки тўсининг p - қил бўналишидаги қалинлиги

и) кучсизланиб қолган ҳисобий кесимида чузилган ва ҳисобий кесимида қирқмага эга бўлган думалоқ еғочдан тайерланган эгилувчи унсурлар учун - $m_0 = 0,8$ коэффицентига;

к) босим остида антипиренлар шимдирилган унсурлар учун - $m_0 = 0,9$ коэффицентга

3.3 Қурилиш фанерининг ҳисобий қаршиликлари 10-жадвалда келтирилган

Зарур холларда қурилиш фанерининг ҳисобий қаршиликлари мазкур меъернинг 3.2, а, 3.2. б, 3.2, в, 3.2, г, 3.2, к бандларида келтирилган m_0, m_1, m_2, m_3 ва m_4 коэффицентларга қўлайтирилиши керак

3.4 Еғоч конструкцияларнинг пулат ва пулат унсурлар бирикмаларининг эластиклик хусусиятлари ва ҳисобий қаршиликлари КМК 2.03.05-97 бўйича арматура пулатлариники - КМК 2.03.01-96 бўйича қабул қилиниши керак

Кесим оқибатада кучсизлантирилган арматурали пулатдан тайерланган тортиқларнинг ҳисобий қаршиликлари $m_0 = 0,8$ коэффицентга қўлайтирилиши

Фанер тури	Ҳисобий қаршилиқлар, МПа (кг/см ²)				
	тахта	тахта	тахта	тахта	тахта
	Текислигида чузилиш	Текислигида сиқилиш	Текислигида эгилиш	Тахта парчаланишга	Текислигига кесилишга
	$R_{сд}$	$R_{сн}$	$R_{сг}$	$R_{псг}$	$R_{ср}$
1 Оқ кайиндан елимланган В ВВ, В С, ВВ С навли ФСФ маркадаги фанер а) етти қатламли қалинлиги 8 мм ва ундан ортиқ					
ташқи қатламлар толалари буйлаб	14 (140)	12 (120)	16 (160)	0,8 (8)	6 (60)
ташқи қатламлар толаларига кўндалангига	9 (90)	8,5 (85)	6,5 (65)	0,8 (8)	6 (60)
толаларга 45° бурчак остида	4,5 (45)	7 (70)	-	0,8 (8)	9 (90)
б) беш қатламли қалинлиги 5-7 мм					
ташқи қатламлар толалари буйлаб	14 (140)	13 (130)	18 (180)	0,8 (8)	5 (50)
ташқи қатламлар толаларига кўндалангига	6 (60)	7 (70)	3 (30)	0,8 (8)	6 (60)
толаларга 45° бурчак остида	4 (40)	6 (60)	-	0,8 (8)	9 (90)
2. Тилоғоч еғочидан елимланган В ВВ ва ВВ С навли ФСФ маркадаги етти қатламли қалинлиги 8 мм ва ундан ортиқ қўлган фанер					
ташқи қатламлар толалари буйлаб	9 (90)	17 (170)	18 (180)	0,6 (6)	5 (50)
ташқи қатламлар толаларига кўндалангига	7,5 (75)	13 (130)	11 (110)	0,5 (5)	5 (50)
толаларга 45° бурчак остида	3 (30)	5 (50)	-	0,7 (7)	7,5 (75)

10-жадвал давоми

Фанер турри	Хисобий қаршилликлар, МПа (кг/см ²)				
	тахта текислиги да	тахта текислиги да	тахта текислиги да	тахта текислиги да	тахта текислиги да
	$R_{\text{тх}}$	$R_{\text{тх}}$	$R_{\text{тх}}$	$R_{\text{тх}}$	$R_{\text{тх}}$
3 ФБС мар- кадаги келиш- лиги 7 мм ва ундан ортиқ бўлган бак- лизациялан- ган фанер					
ташқи қат- ламлар тола- лари бўйлаб	32 (320)	28 (280)	35 (330)	18 (18)	11 (110)
ташқи қат- ламлар тола- ларига кўн- даланига	24 (240)	23 (230)	25 (250)	18 (18)	12 (120)
толаларга 45° бурчак ости- да	16,5 (165)	21 (210)		1,8 (18)	16 (160)

Изоҳ. ФБС маркадаги оқ қайишли фанер учун туника тахта текислигига тик эзилиш-
га ва силлинишга хисобий қаршилликлар
 $R_{\text{тх}} = R_{\text{тх}} = 4 \text{ МПа}$ (40 кг/см²) ва ФБС
маркадагиси учун $R_{\text{тх}} = R_{\text{тх}} = 8 \text{ МПа}$
(80 кг/см²).

турух чегаравий ҳолатлар бўйича ҳи-
собларда 11-жадвал бўйича қабул
қилиниши керак

11-жадвал

Фанер турри	Элас- тиклик модули $E_{\text{Ф}}$, МПа (кг/см ²)	Сил- жиш моду- ли $G_{\text{Ф}}$ МПа (кг/см ²)	Пуас- сон коэф- фици- енти,
			$\nu_{\text{Ф}}$
1 Оқ қайишдан аниқланган В ВВ, В С, ВВ С навли ФСФ маркадаги ет- тиқатламли ва бешқатламли фа- нер.			
ташқи қатламлар толалари бўйлаб	9000 (90000)	750 (7500)	0,085
ташқи қатламлар толаларига кўн- даланига	6000 (60000)	750 (7500)	0,065
толаларга 45° бурчак остида	2500 (25000)	3000 (30000)	0,6
2 Тилоғоч ёғоч- дан елимланган В ВВ ва В В С навли ФСФ маркадаги ет- тиқатламли фанер			
ташқи қатламлар толалари бўйлаб	7000 (70000)	800 (8000)	0,07
ташқи қатламлар толаларига кўн- даланига	5500 (55000)	800 (8000)	0,06
толаларга 45° бурчак остида	2000 (20000)	2200 (22000)	0,6
3 ФБС маркадаги баклизациялан- ган фанер			
ташқи қатламлар толалари бўйлаб	12000 (120000)	1000 (10000)	0,085
ташқи қатламлар толаларига кўн- даланига	8500 (85000)	1000 (10000)	0,065
толаларга 45° бурчак остида	3500 (35000)	4000 (40000)	0,07

Изоҳ. Пуассон коэффициентини $\nu_{\text{Ф}}$ ўқ
бўйлаб эластиклик модули $E_{\text{Ф}}$ аниқланган
тик ўқ йуналиши учун кўрсатилган

керак, бошқа пулатларники КМК 2.03.05-
97 бўйича, одагдаги аниқликдаги болт-
ларнинг қоби қабул қилиниши керак
Қўш тортқиларнинг хисобий қаршиллик-
лари $\nu = 0,85$ коэффициентга кўпайти-
риш йўли билан қамайтирилиши керак

3.5 Ёғочнинг эластиклик модули,
иккинчи турух чегаравий ҳолат бўйича
ҳисобланганда куйидагича қабул
қилиниши керак толалари бўйлаб
 $E = 10000 \text{ МПа}$ (100000 кг/см²), толала-
рига кўндаланига $E_{90} = 400 \text{ МПа}$ (4000
кг/см²). Ёғочнинг толалар бўйлаб ва
кўндаланига йуналган ўқларга
нисбатан силжиш модули $G_{90} = 500 \text{ МПа}$
(5000 кг/см²) га тенг қилиб қабул
қилиниши керак Ёғочнинг кучланиш
толалари бўйлаб йуналгандаги, толала-
рига кўндалани Пуассон коэффициентини
 $\nu_{90} = 0,5$ га, кучланиш толаларга кўндал-
анига йуналгандаги, толалари бўйлаб
эса, $\nu_{90} = 0,02$ га тенг қилиб қабул
қилиниши керак

Қурилиш фанерининг туника тахта
текислигидаги эластиклик модуллари
 $E_{\text{Ф}}$ ва $G_{\text{Ф}}$ ларнинг катталиклари ва Пу-
ассон коэффициентлари $\nu_{\text{Ф}}$ шундан

Фойдаланиш шароити турлича бўл-
ган, юқори ҳарорат таъсирига, доимий
ва узок муддатли вақтинчалик юқлар-
нинг биргаликдаги таъсирига дучор бў-
ладиган конструкциялар учун ёғоч ва
фанернинг эластиклик модуллари,
юқорида кўрсатилган E ва G катталик-
ларини мазкур меъёрининг 3.2.6 ва
3.2.8 бандларида келтирилган m_1 ва m_2
коэффициентларига ва 5-жадвалдаги

m_0 коэффициентига кўпайтириш билан аниқланиши керак

Конструкцияларни (ЭУТ таянчларидан ташқари) устиворликка ва деформацияланган схема бўйича ҳисобланганда ёғоч ва фанернинг эластиклик модули ёғоч учун $E = 300R_0$ (R_0 -голалар бўйлаб сиқилишга ҳисобий қаршилик 3-жадвал бўйича қабул қилинади), толалар бўйлаб ва кундаланига йуналган ҳолларга нисбатан силжиш модули эса, -

$$E_{\text{фанер}} = 0,05E \quad \text{фанер учун} \quad - \quad E_{\text{ф}} = 250R_0$$

қилиниши керак ($R_0, E_{\text{ф}}, C_{\text{ф}} = 10, 11$ -жадваллар бўйича қабул қилинади)

4 ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАР УНСУРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ
А ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАР УНСУРЛАРИНИ БИРИНЧИ ГУРУҲ ЧЕГАРАВИЙ ҲОЛАТЛАР БҮЙИЧА ҲИСОБЛАШ

Марказий чузилган ва марказий сиқилган унсурлар

4.1 Марказий чузилган унсурлар қуйидаги ифода бўйича ҳисобланиши керак

$$\frac{N}{F_{\text{н}}} \leq R_0 \quad (4)$$

бу ерда N - кундаланг куч,

R_0 - ёғочнинг толалари бўйлаб чузилишга ҳисобий қаршилиги,

$F_{\text{н}}$ - унсур кундаланг қесимининг нетто юзаси

$F_{\text{н}}$ ни аниқлашда узунлиги 200мм гача бўлган соҳада жойлашган кучсизланишларни бир қесимда жойлашган деб қабул қилиниши керак

4.2 Доимий ялли қесимли марказий сиқилган унсурларни қуйидаги ифодалар бўйича ҳисоблаш керак

а) мустақкамликка

$$\frac{N}{F_{\text{н}}} \leq R_0 \quad (5)$$

б) устиворликка

$$\frac{N}{F_{\text{н}}} \leq R_0 \quad (6)$$


бу ерда R_0 - ёғочнинг голалари бўйлаб сиқилишга ҳисобий қаршилиги

φ - буилама эгилиш коэффициентиди, 4.3 бандга мувофиқ аниқланади

$F_{\text{н}}$ - унсур кундаланг қесимининг нетто юзаси

$F_{\text{н,сб}}$ - унсур кундаланг қесимининг ҳисобий юзаси, қуйидагича қабул қилинади:

кучсизланишлар йўқ бўлганда ёки ҳавфли қесимларда қирраларига чиқмаган кучсизланиш бўлганда (1а расм), агар кучсизланиш юзаси 25% $E_{\text{ф}}дан$ ошмаса, $E_{\text{н,сб}} = F_{\text{н}}$, бу ерда $F_{\text{н}}$ - қесим брутто юзаси; қирраларга чиқмаган кучсизланишда, агар кучсизланиш юзаси 25% $F_{\text{н}}$ дан ортиқ бўлса, $F_{\text{н,сб}} = 4,3F_{\text{н}}$, қирраларига чиққан симметрик кучсизланишда (1б расм) $F_{\text{н,сб}} = F_{\text{н}}$



1-расм Сиқилган унсурларнинг кучсизланишлари

а - қиррасига чиқмаган б - қиррасига чиққан

4.3 Буилама эгилиш коэффициентини φ қуйидаги (7) ва (8) ифодалар бўйича аниқланиши керак

унсур эгилувчанлиги $\lambda \leq 70$ бўлганда

$$\varphi = 1 - \frac{\lambda^2}{100} \quad (7)$$

унсур эгилувчанлиги $\lambda > 70$ бўлганда

$$\varphi = \frac{1}{\lambda} \quad (8)$$

бу ерда коэффициент $\alpha = 0,8$ ёғоч учун ва $\alpha = 1$ фанер учун; коэффициент $A = 3000$ ёғоч учун ва $A = 2500$ фанер учун

4.4 Ялли қесимли унсурларнинг эгилувчанлиги қуйидаги ифода бўйича аниқланади

$$\lambda = \frac{l}{r} \quad (9)$$

бу ерда l - унсурнинг ҳисобий узунлиги,

8-бет КМҚ 2.03.08-98

r - унсуур максимал брутто улчамли кесимининг, мос равнишда X эки Y ўқларига нисбатан инерция радиуси


4.5. Унсуурнинг l_3 ҳисобий узунлигини, унинг l эркин узунлигини, 4.21 ва 6.25 бандларга мувофиқ, k_3 коэффициентга кўпайтириб аниқлаш керак:

$$l_3 k_{l_3} \quad (10)$$

4.6. Бутун кесими билан таянган қайишқоқ бирикмали тузилма унсуурлар, (5) ва (6) ифодалар бўйича мустаҳкамликка ва устиворликка ҳисобланиши керак, бунда $F_{нғ}$ ва $F_{исб}$ барча тармоқлар қўзасининг йиғиндиси каби аниқланади. Тузилма унсуурлар эгилювчанлиги λ , бирикмаларнинг эластиклигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ифода бўйича аниқланиши керак.

$$\lambda = \sqrt{\lambda_1^2 + \lambda_2^2} \quad (11)$$

бу ерда λ_1 - бугун унсуурнинг, унсуурнинг ҳисобий узунлиги l_3 бўйича қайишқоқликни ҳисобга олмай, ҳисоблаб топилган Y ўқига нисбатан эгилювчанлиги (2-расм),



2-расм Таркибий унсуурлар
а - кистирма билан, б - кистирмасиз

λ_1 - алоҳида тармоқнинг, тармоқ ҳисобий узунлиги l_1 бўйича ҳисоблаб топилган, l_1 ўқига нисбаган эгилювчанлиги (2-расмга қаралсин), h_1 тармоқ қалинлиги (h_1) нинг етти баробаридан кичик бўлганда $\lambda_1 = 0$ қабул қилинади,

k_2 - эгилювчанликнинг келтириш коэффициентини, қуйидаги ифода бўйича аниқланади

$$k_2 = \sqrt{1 + k \frac{b h l_3}{E I_x}} \quad (12)$$

бу ерда b ва h - унсуур кундаланг кесимнинг кенглиги ва баландлиги, см,

I_x - унсуурдаги чокларнинг, унсуурларнинг ўзаро силжиши йиғиндиланувчи чоклар миқдори бўйича аниқланадиган, ҳисобий миқдори (2,а-расмда-4 та чок, 2,б-расмда-5 та чок),

l_3 - унсуурнинг ҳисобий узунлиги, м,

l_2 - унсуурнинг 1 м учун бир чокдаги боғловчиларнинг қирқилиш ҳисобий миқдори (хар хил қирқилишлар миқдорига эга бўлган бир неча чоклар мавжуд бўлган тақдирда барча чоклар учун қирқилишлар миқдорининг ўртачаси қабул қилинади);

k_3 - туташмаларнинг, 12-жадвал ифодалари бўйича аниқланиши лозим бўлган, қайишқоқлик коэффициентини

k_3 ни аниқлашда михларнинг диаметрини, бириктирилувчи унсуурлар қалинлигининг 0,1 идан оширмай қабул қилиниши керак. Агар михларнинг қокилган қисми улчами 4d дан кам бўлса, унга ёдишган чоклардаги қирқилишлар ҳисоб-китобда эътиборга олинмайди. Пулат цилиндр михлардаги бирикмалардаги k_3 қиммати, бирикувчи унсуурлардан энг ингичкасининг қалинлиги бўйича аниқланиши керак.

k_3 аниқланганда, эман цилиндр михларнинг диаметри бирикувчи унсуурларнинг энг ингичкаси қалинлигининг 0,25 дан оширмай қабул қилиниши керак.

Чоклардаги боғловчилар унсуур узунлиги бўйича бир текис жойлаштирилиши керак. Ошиқ-мошиқли таянган тўғри чизиқли унсуурлар узунлигининг урта чоракларида боғловчиларнинг миқдорини ярмига камайтириш рўхсат этилади, бунда (12) ифодани ҳисоблашда унсуур узунлигининг четки чораклари учун қабул қилинган l_3 катталиги киритилиши керак.

(11) ифода бўйича ҳисоблаб топилган тузилма унсуурнинг эгилювчанлиги, қуйидаги ифода бўйича аниқланувчи алоҳида тармоқлар эгилювчанлиги дан оширмай қабул қилиниши керак.

$$\lambda = \frac{l_3}{\sqrt{\sum l_{i0}^2 + l_{i0}^2}} \quad (13)$$

бу ерда $\sum l_{i0}$ - алоҳида тармоқлар кундаланг кесимининг, Y ўқига параллел

булган, хусусий ўқига нисбатан брутто инерция моментлари йиғиндиси (2-расмга қара):

$F_{бр}$ - унсурнинг брутто қисми юзаси;
 l_0 - унсурнинг ҳисобий узунлиги.

Тузилма унсурнинг, барча тармоқлар қесимининг оғирлик марказидан утувчи ўққа нисбатан эгилювчанлигини (2-расмда X ўқи), ялпи унсурдаги каби, яъни агар тармоқлар бир текис юкланган бўлса боғловчилар қайишқоқлиги ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланиши керак. Тармоқлар бир текис юкланмаган ҳолда 4.7 бандга амал қилиш керак.

Агар тузилма унсурнинг тармоқлари ҳар хил қесимга эга бўлса, унда (11) ифодадаги λ_1 ҳисобий эгилювчанликни қуйидагига тенг қабул қилиш керак:

$$\lambda_1 = \frac{1}{\sum \lambda_{1i} + F_{бр}} \quad (14)$$

λ_1 ни аниқлаш 2-расмда келтирилган 4.7 Тармоқларининг бир қисми учлари буйича таянмаган қайишқоқ бирикмалардаги тузилма унсурларни мустақамликка ва устиворликка, қуйидаги шартларга риоя қилинган тақдирда, (5), (6) ифодалар буйича ҳисобланиш руҳсат этилади:

а) унсурнинг қундаланг қесими юзалари $F_{нл}$ ва $F_{нисб}$ тиралган тармоқлар қесими буйича аниқланиши керак.

б) унсурнинг, Y ўқига нисбатан (2-расмга қаралсин) эгилювчанлиги (11) ифода буйича аниқланади, бунда инерция моменти $I_{нл}$ тармоқлар ҳисобга олинган ҳолда, юза эса - фақат таянганлариники қабул қилинади.

в) X ўқига нисбатан (2-расмга қаралсин) эгилювчанлик аниқланганда инерция моменти қуйидаги ифода буйича аниқланиши керак:

$$I = I_0 + 0,5 I_{нл} \quad (15)$$

бу ерда I_0 ва $I_{нл}$ - мос равишда таянган ва таянмаган тармоқлар қундаланг қесимининг инерция моментлари

4.8 Қесими баландлиги буйича узгарувчан марказий сикилган унсурларни устиворликка ҳисоблаш қуйидаги ифода буйича бажарилиши керак:

$$K_{нл} = \frac{F_{нл}}{F_{нл} + F_{бр}} \quad (16)$$

бу ерда $F_{нл}$ - максимал улчамларли қундаланг қесимнинг брутто юзаси,
 $K_{нл}$ - қесим баландлигининг узгарувчанлигини ҳисобга олувчи коэффициент. 5-илованинг 1-жадвали буйича

аниқланади (доимий қесимли унсурлар учун $K_{нл} = 1$),
 φ - буйлама эгилиш коэффициенти, максимал ўлчамларли қесимга мос эгилювчанлик учун 4.3- банд буйича аниқланади

12-жадвал

Боғловчининг тури	$K_{г}$ коэффициенти	
	марказий сиқилишда	эгиб сиқилишда
1 Михлар	$\frac{1}{1,6d^2}$	$\frac{1}{3d^2}$
2 Цилиндрсимон пулат михлар		
а) диаметри бирикувчи унсурлар қалинлигининг 1/7 сидан кам	$\frac{1}{3d^2}$	$\frac{1}{2,5d^2}$
б) диаметри бирикувчи унсурлар қалинлигининг 1/7 ортик	$\frac{1,5}{ad}$	$\frac{1}{ad}$
3 Цилиндрсимон эман михлар	$\frac{1}{d^2}$	$\frac{1,5}{d^2}$
4 Пластинасимон эман михлар		$\frac{1,4}{db_{нл}}$
5 Елим	0	0

Изоҳ: Михлар ва ёғоч михлар диаметрлари d , унсурлар қалинлиги a , пластинасимон ёғоч михлар кенлиги $b_{нл}$ ва қалинлиги b см да қабул қилиниши керак.

ЭГИЛУВЧИ УНСУРЛАР

4.9 Деформацияланишининг текис шакли устиворлигини иқотишдан сақланган эгилювчи унсурларнинг ҳисоби, меъерий кучланишлар буйича мустақамликка қуйидаги ифода буйича бажарилиши керак (4.14 ва 4.15 бандларни қаралсин):

$$\frac{M}{I_{нл}} \leq K_{нл} \quad (17)$$

бу ерда M - ҳисобий эгувчи момент;

F_n - эгилишга ҳисобий қаршилик;

$W_{нлсб}$ - унсур қундаланг қесимининг ҳисобий қаршилик моменти. Ялпи унсурлар учун $W_{нлсб} = W_{нл}$, қайишқоқ бирикмалардаги тузилма унсурлар учун ҳисобий қаршилик $K_{нл}$ коэффициентга кўпайтирилган қаршилик моменти $W_{нл}$ га тенг қилиб олинлиши керак, $K_{нл}$ нинг миқдори, бир хил катламдан тузилган унсурлар учун 13-жадвалда келтирил-

10-бет КМК 2.03.08-98

ган. $W_{\text{ит}}$ ни аниқлашда, узунлиги 200 мм гача бўлган унсур соҳасида жойлашган кесим кучсизланишларини, бир кесимда ўриндошлашишган каби қабул қилинади.

13-жадвал

Көз- фици- ент- ларнинг белги- ланиши	Унсур- даги катлам- лар сони	Эгилувчи тузилма унсур- ларнинг ҳисоби учун, қуйидаги ораликлардаги (м), коэффициентлар қиймати			
		2	4	6	9 ва ундан ортик
k_w	2	0,7	0,85	0,9	0,9
	3	0,6	0,8	0,85	0,9
	10	0,4	0,7	0,8	0,85
k_x	2	0,45	0,65	0,75	0,8
	3	0,25	0,5	0,6	0,7
	10	0,07	0,2	0,3	0,4

Изоҳ. Оралик катталигини l ва катламлар сонининг оралик қийматлари учун коэффициентлар интерполяция йўли билан топилади

4.10. Эгилувчи унсурларнинг парчаланиш буйича мустаҳкамликка ҳисоби қуйидаги ифода буйича бажарилиши керак.

$$\frac{Q S_{\text{бр}}}{I_{\text{бр}}} \leq k_x \quad (18)$$

бу ерда Q - ҳисобий кундаланг куч;
 $S_{\text{бр}}$ - унсур кундаланг кесими силжувчи қисмининг нейтрал ўққа нисбатан брутто статик моменти,

$I_{\text{бр}}$ - унсур кундаланг кесимининг нейтрал ўққа нисбатан брутто инерция моменти,

$k_{\text{көсб}}$ - унсур кесимининг ҳисобий кенглиги;

$R_{\text{сх}}$ - эгилишда парчаланишга ҳисобий қаршилиқ.

4.11. Тузилма унсурнинг ҳар бир чокида бир текис ўрнатилган боғловчилар қирқмаларининг, бир хил белгили кундаланг куч эпюрасига эга бўлган соҳадаги, n_c миқдори қуйидаги шартни қондириши керак:

$$n_c \geq \frac{1,2 M_B - M_A S_{\text{бр}}}{I_{\text{н}}} \quad (19)$$

бу ерда T - боғловчининг мазкур чоқдаги ҳисобий юк кўтариш қобилияти,

M_A, M_B - қурилаётган соҳанинг бошланғич А ва охири В кесимларидаги эгувчи моментлар.

Изоҳ Чоқда турли юк кўтариш қобилияти бўлган, лекин ишлаш характери буйича бир хил боғловчилар булса

(масалан, эгоч миҳ ва миҳлар), уларнинг юк кўтариш қобилиятининг йиғиндисини олиниши керак.

4.12. Ялпи кесимли унсурларни, қия эгилишдаги мустаҳкамликка ҳисоб қуйидаги ифода буйича бажарилиши керак

$$\frac{M_x}{W_x} + \frac{M_y}{W_y} \leq k_x \quad (20)$$

бу ерда M_x ва M_y - ҳисобий эгувчи моментнинг, кесимнинг X ва Y бош ўқлари учун ташкил қилувчилари;

W_x ва W_y - нетто кундаланг кесимининг, кесимнинг X ва Y бош ўқларига нисбатан қаршилиқ моментлари.

4.13. Унсурлар эгрилигини камайтирувчи M моменти таъсирида эгилувчи елимланган эгри чизикли унсурлар қуйидаги ифода буйича радиал чузувчи кучланишга текширилиши керак

$$\frac{\sigma_{\text{сб}} + \sigma_{\text{сж}}}{2r} \leq R_{\text{сж}} \quad (21)$$

бу ерда $\sigma_{\text{сб}}$ - чузилган соҳанинг четки толасидаги меъерий кучланиш;

$\sigma_{\text{сж}}$ - кесимнинг, радиал чузувчи кучланишлар аниқланаётган оралик толасидаги меъерий кучланиш,

h_1 - четки ва қурилаётган толалар оралиғидаги масофа;

r - меъерий чузувчи кучланишлар эпюрасининг четки ва қурилаётган толалар оралиғида ётган қисмининг оғирлик маркази орқали угувчи чизикнинг эгрилик радиуси,

$R_{\text{сж}}$ - егочнинг толаларига кундалангига чузилишга ҳисобий қаршилиги, 7 - банд буйича 3-жадвалдан қабул қилинади

4.14. Кесими доимий бўлган туртбурчакли эгилувчи унсурларнинг ясси шаклдаги деформацияланишининг устиворлигига ҳисобни қуйидаги ифода буйича бажарилиши керак

$$\frac{M}{\varphi_{\text{н}} I_{\text{н}}} \leq k_x \quad (22)$$

бу ерда M - қурилаётган l_p қисмдаги максимал эгувчи момент,

$W_{\text{бр}}$ - қурилайган l_p қисмдаги максимал брутто қаршилиқ моменти

Эгилиш текислигидан силжишига қарши ошиқ-мошиқли маҳкамланган ва таянч кесимларида буйлама ўқи атрофида бурилишига қарши маҳкамланган, кундаланг кесими доимий туғрибурчакли эгилувчи унсурлар учун $\varphi_{\text{н}}$ коэффициентини қуйидаги ифода буйича аниқланиши керак

$$\varphi_M = 110 \frac{b^2}{l_p h} k_p \quad (23)$$

бу ерда l_p - унсурнинг таянч кесимлари орасидаги масофа, унсурнинг сиқилган киррасини оралиқ нуқталарида эгилиш текислигидан силжишга қарши маҳкамланган тақдирда эса - шу нуқталар орасидаги масофа,

h - кундаланг кесим кенглиги,

h - l_p қисмидаги кундаланг кесимнинг максимал баландлиги,

k_p - маъруз меъёрининг 5 - иловасидаги 2-жадвали буйича аниқланадиган, l_p қисмдаги эгувчи момент элюрасининг шаклига боғлиқ бўлган коэффицент.

M моментдан чузилган кирраси буйлаб текисликдан маҳкамланиши бўлмаган, узунлиги буйлаб баландлиги чизиқли узгарувчан ва кундаланг кесими узгармас бўлган эгилувчи унсурларни ҳисоблашда еки $m < 4$ бўлганда (23) ифода буйича коэффицент φ_M ни кушимча коэффицент k_{mm} га кўпайтириш керак k_{mm} нинг қиймати 5-илованинг 2-жадвалида келтирилган $m < 4$ бўлганда $k_{mm} = 1$

l_p қисмда унсурнинг чузилган кирраси оралиқ нуқталарда эгилиш текислигидан маҳкамлаганда (23) ифода орқали аниқланган коэффицент φ_M ни, қуйидаги k_{pm} коэффицентга кўпайтирилиш керак

$$k_{pm} = 1 + \left[0,142 \frac{l_p}{h} + 176 \frac{h}{l_p} + 11k_p - 1 \right] m^{-1} \quad (24)$$

бу ерда α_p - айташа шаклдаги унсурнинг l_p қисмини белгилловчи, радианларда улчанадиган марказий бурчак (туғри чизиқли унсурлар учун $\alpha_p = 0$),

m - чузилган кирранинг, l_p қисмида (бир қил қадам билан) маҳкамланган

нуқталари сони ($m < 4$ бўлганда $\frac{m}{m-1}$ катталиқни 1 га тенг қилиб олиш керак)

4.15. Доимий қўштакр еки қўшимча кундаланг кесимли эгилувчи унсурларнинг ясси шаклли деформацияланишининг устиворлигини текширишни қуйидаги ҳолларда амалга ошириш керак

$$l_p = 7h \quad (25)$$

бу ерда h - кундаланг кесим сиқилган белбоғининг кенглиги
Ҳисоблашни қуйидаги ифода буйича амалга ошириш керак

$$\frac{M}{\varphi M} = K \quad (26)$$

бу ерда φ - 4.3 банд буйича аниқланадиган, унсур сиқилган белбоғининг эгилиш текислигидан буйлама эгилиш коэффицентиги,

R_c - сиқилишга ҳисобий қаршилиқ,

W_{br} - кундаланг кесимнинг брутто қаршилиқ моменти, фанерли деворчалар ҳолларида - унсурнинг эгилиш текислигидаги келтирилган қаршилиқ моменти

Уқ буйлама кучининг эгилиш билан биргаликдаги таъсирига учрайдиган унсурлар

4.16. Марказдан ташқари чузулувчи ва чузулиб-эгилувчи унсурларни ҳисоблаш куйидаги ифода буйича амалга оширилиши керак

$$\frac{V}{F_{net}} = \frac{M_d}{W_{net}} = R_c \quad (27)$$

бу ерда W_{net} - кундаланг кесимнинг ҳисобий қаршилиқ моменти (4.9 бандга қаралсин),

F_{net} - нетто ҳисобий кесим юзаси.

4.17. Марказдан ташқарида сиқилган ва сиқилиб-эгилувчи унсурларни мустаҳкамликка ҳисоблаш қуйидаги ифода буйича амалга оширилиши керак

$$\frac{V}{F_{net}} = \frac{M_d}{W_{net}} = R_c \quad (28)$$

бу ерда M_d - деформацияланган шакл буйича ҳисоблашдан аниқланадиган, кундаланг ва буйлама юклар таъсиридан эгувчи момент

Изоҳлар 1. Ошиқ мошиқли тизувчи унсурлар учун, эгувчи моментлар элюраларининг симметрик синусоида-симон, параболасимон, полигоннал ва уларга яқин бўлган шаклларида, ҳамда рафақли унсурлар учун M_d -ни қуйидаги ифода орқали аниқланиши керак

$$M_d = \frac{M}{\varphi} \quad (29)$$

бу ерда φ - унсурнинг эгилиши натижа-сида буйлама кучдан пайдо буладиган қўшимча моментни ҳисобга олувчи, 1 дан 0, гача узгарувчи коэффицент бўлиб, қуйидаги ифода буйича аниқланади

$$\varphi = 1 - \frac{N}{\varphi K F_{net}} \quad (30)$$

M ҳисобий кесимдаги, буйлама кучдан пайдо буладиган моментни ҳисобга олинмаган ҳолдаги эгувчи момент,

φ - 4.3 банднинг (8) ифодаси буйича аниқланадиган коэффицент.

2. Ошиқ-мошиқли-таянувчи унсурларда эгувчи момент эпюралари учбурчакли ёки түтри бурчакли шаклга эга бўлган ҳолларда (30) ифода соҳаси аниқланган коэффицент ξ ни түтриловчи коэффицент k_n га кўпайтирилиши керак:

$$k_n = \alpha_n + \xi(1 - \alpha_n), \quad (31)$$

бу ерда α_n - эгувчи момент эпюралари учбурчак шаклида бўлганда (тўпланган кўчлардан) 1,2га ва эпюраларнинг түтри бурчакли шаклларида (доимий эгувчи моментлардан) 0,81га тенг қилиб олиниши керак бўлган коэффицент

3. Носимметрик юклантирилган ошиқ-мошиқли-таянувчи унсурларда эгувчи момент M_n - нинг қийматини қуйидаги ифода буйича аниқланиши керак:

$$M_n = \frac{M_c}{\xi_c} + \frac{M_k}{\xi_k}, \quad (32)$$

бу ерда M_c ва M_k - симметрик ва қиясимметрик тенг таъсир этувчи ҳоллардан унсурнинг ҳисобий кесимда пайдо бўлувчи моментлар;

ξ_c ва ξ_k - буйлама эгилишнинг симметрик ва қиясимметрик шаклларига мос келадиган эгилувчанликнинг қийматлари учун (30) ифода буйича аниқланадиган коэффицентлар.

4. (30) - ифодада кесим баянчилиги буйича узгарувчан бўлган унсурлар учун юза- F_{op} ни кесим баянчилиги буйича максимал бўлгани учун олиниши керак, коэффицент φ ни эса, 5-илова, 1-жадвал буйича олинадиган k_{xN} -коэффицентга кўпайтирилиши керак.

5. Эгилишдан пайдо буладиган зўриқишларни сиқилиш зўриқишларига нисбати 0,1 дан кам бўлганда, сиқилувчи-эгилувчи унсурларни (6)-ифода буйича эгувчи моментларни ҳисобга олмаган ҳолда устиворликка ҳам ҳисобланиши керак.

4.18 Сиқилувчи-эгилувчи унсурларнинг ясси шаклда деформацияланишининг устиворликка ҳисоблашни қуйидаги ифода буйича амалга ошириш керак.

$$\frac{N}{\varphi R_c F_{op}} + \left(\frac{M_d}{\varphi_n R_n F_{op}} \right)^n \leq 1 \quad (33)$$

бу ерда F_{op} - унсур I_n қисмидаги максимал ўлчамларли кесимининг брутто юсаси;

W_{op} - 4.14 бандга қаралсин;

$n=2$ - чўзилиш соҳаси деформацияланиш текислигидан маҳкамланма-

ган унсурлар учун ва $n=1$ шундай мустаҳкамлашлари булган унсурлар учун;

φ - деформацияланиш текислигидан унсурнинг I_n - ҳисобий узунликдаги қисми эгилувчанлиги учун (8)-ифода буйича аниқланадиган буйлама эгилиш коэффиценти.

φ_m (23)-ифода буйича аниқланадиган коэффицент

Унсурда I_p - қисмда M моментдан чўзилган қирраси тарафдан деформацияланиш текислигида маҳкамланишлари булган тақдирда коэффицент φ_m ни (24) ифода буйича аниқланадиган k_{pm} - коэффицентга, коэффицент- φ ни эса, қуйидаги ифода буйича аниқланадиган k_{pn} - коэффицентга кўпайтириши керак:

$$k_{pn} = 1 + \left[0,75 + 0,00 \left(\frac{I_p}{n} \right)^2 + 0,005 \frac{I_p}{n} - 1 \right] \frac{m^2}{m^2 + 1}, \quad (34)$$

бу ерда α_p, I_p, n ва m - 4.14 бандга қаралсин.

M моментдан чўзилган қирраси буйлаб текислиқдан маҳкамланиши булмаган, кесимининг баянчилиги буйича узгарувчан унсурларни ҳисоблашда ёки $n \leq 4$ бўлганда (8) ва (23)-ифодалар буйича аниқланадиган φ ва φ_m коэффицентларни қўшимча равишда мос ҳолда 5-илова, 1 ва 2-жадвалларда келтирилган k_{xN} ва k_{xM} коэффицентларга кўпайтириши керак.

$m \geq 4$ бўлганда $k_{xN} = k_{xM} = 1$

4.19 Тузилма сиқилувчи-чўзилувчи унсурларда, агар унинг ҳисобий узунлиги тармоғи қалинлигининг етти барабаридан ортқ бўлса, энг кўп зўриққан тармоғининг устиворлигини қуйидаги ифода буйича текширилиши керак:

$$\frac{N}{F_{op}} + \frac{M_d}{W_{op}} \leq \varphi_1 R_c \quad (35)$$

бу ерда φ_1 - алоҳида тармоғи учун унинг ҳисобий узунлиги- l_1 буйича ҳисобланган (4.6-бандга қаралсин) буйлама эгилиш коэффиценти;

F_{op}, W_{op} - унсур кўндаланг кесимининг брутто юсаси ва қаршилик momenti

Тузилма сиқилувчи-чўзилувчи унсурнинг эгилиш текислигидан устиворлигини эгувчи моментни ҳисобга олмасдан (6) - ифода буйича текширилиши керак.

4.20 Сиқилувчи-эгилувчи тузилма унсурнинг ҳар бую чокида текис жойлаштирилган боғловчилар кесиклари-

нинг сони L_c , кўндаланг кучнинг бир хил ишорадаги элюралли қисмида, сиқувчи кучни ҳамма қисим бўйича қўйилганида куйидаги шартни қониқтириши керак

$$n_c \geq \frac{L_{\text{ср}} S_{\text{ср}}}{Tl_{\text{ср}}} \quad (36)$$

бу ерда $S_{\text{ср}}$ - кўндаланг қисимнинг сил-житилаётган қисмини нейтрал ўққа нисбатан брутто статик моменти;
 $l_{\text{ср}}$ - унсур кўндаланг қисимининг брутто инерция моменти;
 T - битта боғловчининг шу чоқдаги ҳисобий юк кўтариш қобилияти;
 M_d - 4.17-банд бўйича аниқланадиган эгувчи момент

Ёғоч конструкциялар унсурларининг ҳисобий узунликлари ва чегаравий эгилувчанликлари

4.21 Учлари бўйича бўйлама кучлар билан юклантирилган туғри чизиқли унсурларнинг ҳисобий узунлигини аниқлаш учун, коэффициент μ_0 - ни куйидагича қабул ясалиши керак:

учлари ошиқ-мошиқли-маҳкамланганда, ҳамда унсурнинг оралиқ нуқталарида ошиқ-мошиқли маҳкамланганда - 1;

бир учи ошиқ-мошиқли-маҳкамланган бошқа учи қистирилганда - 0,8;

бир учи қистирилган ва бошқа учи эркин юклантирилганда - 2,2;

иккала учи ҳам қистирилганда - 0,65

Бўйлама юкни унсурнинг узунлиги бўйича текис тарқатилган ҳолда, коэффициент μ_0 ни куйидагича тенг қилиб олиниши керак:

иккала учи ошиқ-мошиқли маҳкамланганда - 0,73;

бир учи қистирилган ва бошқа учи эркин бўлганда - 1,2.

Кесишув жойида узаро бириктирилган унсурларнинг ҳисобий узунлигини куйидагича тенг қилиб олиниши керак:

а) конструкция текислигида устиворлигини текширилганда-боғламнинг марказидан унсурларнинг кесишиш нуқтасигача бўлган масофата;

б) конструкция текислигидан устиворлигини текширилганда:

а) иккита сиқилган унсурлар кесишган тақдирда-унсурнинг бор узунлигига;

б) сиқилган унсурни ишламайдигани билан кесишганида тақдирда μ_0 -коэффициентга қўпайтирилган L_c катталигига

$$n_c = \frac{L_{\text{ср}} S_{\text{ср}}}{Tl_{\text{ср}}} \quad (37)$$

бу ерда L_c, λ, F_T - сиқилган унсурнинг тўла узунлиги, эгилувчанлиги ва кўндаланг қисим юзаси;

$L_c \lambda F_T$ - ишламайдиган унсурнинг узунлиги, эгилувчанлиги ва кўндаланг қисим юзаси

μ_0 нинг катталигини камида 0,5 қабул қилиш лозим;

в) сиқилган унсурнинг, катталиги бўйича тенг бўлган куч таъсирида чўзилгани билан кесишган тақдирда-сиқилган унсурнинг, тугун марказидан унсурларнинг кесишиш нуқтасигача ўлчанадиган, энг катта узунлигига.

Агар кесишувчи унсурлар тўзилма қисимдан иборат бўлса, унда (37) ифодага эгилувчанлиқнинг, (11) ифода бўйича аниқланадиган, мос қийматларини қўйиш лозим

4.22 Ёғоч конструкцияларда унсурлар ва уларнинг алоҳида тармоқларининг эгилувчанлиги 14-жадвалда кўрсатилган қийматларидан ортиб кетмаслиги керак.

Фанерни ёғоч билан елимлаб ясалган унсурларни ҳисоблашнинг узига ҳос ҳусусиятлари


4.23 Фанерни ёғоч билан елимлаб ясалган унсурларни ҳисоблаш келти-

14 - жадвал

Конструкциялар унсурларининг номи	Чегаравий эгилувчанлик $\lambda_{\text{ср}}$
1. Фермаларнинг сиқилган белбоқлари, таянч кашшақлари ва таянч устунлари, колонналар	120
2. Фермалар ва бошқа шаърақ конструкцияларнинг бўлак сиқилган унсурлари	150
3. Боғловчиларнинг сиқилган унсурлари	200
4. Фермаларнинг гик текисликдаги чуқилган белбоқлари	150
5. Фермалар ва бошқа шаърақ конструкцияларнинг бўлак чуқилган унсурлари	200
Электрзағувнинг ҳаво гармоғи таянчлари учун	
6. Асосий унсурлар (устунлар, тиррамалар, таянч кашшақлари)	150
7. Бошқа элементлар	175
8. Боғловчилар	200

Изоҳ: Узгарувчан қисими сиқилган унсурлар учун $\lambda_{\text{ср}}$ чегаравий эгилувчанлиқнинг катталиқларини, қаврдаки $\lambda_{\text{ср}}$ 5-илованинг 1-жадвалидан қабул ясадувчи,

$\lambda_{\text{ср}}$ қийматига қўпайтирилади



3-рәсім. Фанер ва ёғочдан елиглаб ясалган тахталарнинг кундаланг кесими
1- буйлама қовурғалар; 2- қоплама

рилган кундаланг кесим услуби буйича бажарилиши керак.

4.24. Тахта ва панелларнинг чүзилган фанер қопламаларининг мустақкамлигини куйидаги ифода буйича текширилиши керак:

$$\frac{M}{W_{ф}} \leq m_{ф} R_{ф} \quad (38)$$

бу ерда M - хисобий эгүвчи момент;
 $R_{ф}$ - фанернинг чүзилишга булган хисобий қаршилиги,

$m_{ф}$ - фанер қопламаларнинг туташыш жойларида хисобий қаршиликларни па-
саннишини хисобга олувчи коэффициент булиб, мүйловли бирикмаларда ёки ик-
китомонлама қопламаларда куйидаги-
ча қабул ясалади: одатдаги фанерлар
учун $m_{ф} = 0,6$ ва бакелизирланган фа-
нерлар учун $m_{ф} = 0,8$. Чоклари мавжуд
булмаганда $m_{ф} = 1$;

$W_{ф}$ - 4.25-банд курсатмаларига му-
вофик аниқланиши керак булган кунда-
ланг кесимининг фанерга келтирилган
қаршилик моменти.

4.25. Фанерни ёғоч билан елиглаб
ясалган унсулар кундаланг кесимининг
келтирилган қаршилик моменти
куйидаги ифода буйича аниқланиши
керак

$$W_{ф} = \frac{I_{ф}}{y_{ф}} \quad (39)$$

бу ерда $y_{ф}$ - келтирилган кесимнинг
огирлик марказидан қопламанын г ласт-
ки қиррасигача булган масофа,

$I_{ф}$ - фанерга келтирилган кесимнинг
инерция моменти;

$$I_{ф} = I_{ф} + I_{д} \frac{E_{д}}{E_{ф}} \quad (40)$$

бу ерда $I_{ф}$ - фанер қопламалар кунда-
ланг кесимининг инерция моменти,
 $I_{д}$ - синчнинг ёғоч қовурғалари кунда-
ланг кесимининг инерция моменти,
 $E_{д}/E_{ф}$ - ёғоч ва фанернинг эластиклик
модуллари нисбати.

Келтирилган инерция моментлари
ва келтирилган қаршилик моментлар-
ни аниқлашда фанер қопламалар-
нинг хисобий кенглигини $l \geq 6a$ булган-
да $b_{хисб} = 0,9b$ га ва $l < 6a$ булганда
 $b_{хисб} = 0,15 \frac{l}{a} b$ га тенг қилиб олиниши
керак

(b - тахта кесимининг тула кенглиги, l -
тахта оралиги, a - уқлари буйича буйла-
ма қовурғалар орасидаги масофа).

4.26. Тахта ва панеллар сиқилган
қопламасын ин г устиворлигини куйидаги
ифода буйича текширилиши керак:

$$\frac{M}{F_{ф}} \leq R_{ф} \quad (41)$$

бу ерда $\frac{a}{\delta} \geq 50$ булганда $\varphi_{\delta} = \frac{1250}{(a/\delta)^2}$;

$\frac{a}{\delta} < 50$ булганда $\varphi_{\delta} = \frac{(a/\delta)^2}{5000}$;

(a - қовурғалар орасидаги соф масофа,
 δ - фанернинг қалинлиги).

Тахтанинг устки қопламасини, қушимча равишда, $R=1$ кН (100 кгк) ($n=1,2$ орттирма юкланиш коэффициентли) булган тўпланган юкдан маҳаллий эгилишга, елимланган жойларига қовурғаларга киргизиб қотирилган лап-пакча каби текширилиши керак


4 27. Тахта ва панеллар синчи қовурғаларининг еки қопламанинг, унинг қовурғаларга туташуш жойидаги чоки буйича ерилишишини текширишни куйидаги ифода буйича амалга ошириш керак

$$\frac{G S}{l \cdot b} < K \quad (42)$$

бу ерда G - ҳисобии кундаланг куч, S_{np} - келтирилган кесимнинг силжувчи қисмини нейтрал уққа нисбатан статик моменти;

R_s - егочнинг толалари буйлаб еки фанернинг ташқи қатламлари толалари буйлаб ерилишга ҳисобий қаршилиги, $D_{кис}$ - кесимнинг, синч қовурғадарининг кенгликлари йиғиндисига тенг қилиб олинандиган ҳисобии кенглиги.

4 28. Фанер деворчали қуштанр ва қутисимон кесимли эгилувчи унсурларни (4-расм) мустаҳкамликка ҳисоблаш-ни $W_{кисс} = W_{пр}$ қилиб олиб (17)-ифода буйича амалга оширилиши керак, бунда чўзилувчи белбоғдаги кучланиш R_t дан, сиқилувчи белбоғидаги R_c дан (n - эгилиш текислигидан ташқарига буйлама эгилиш коэффициентли) ортиб кетмаслиги керак



4-расм Ясси фанер деворчали елимланган тусинларнинг кундаланг кесимлари

а) - қуштанр кесимли, б) - қутисимон кесимли

4 29. Деворини нейтрал уқ буйича қирқилишга текширишда (42) ифодадаги $R_{к}$ нинг қийматини $R_{ф}$ га, ҳисобий кенглиги $D_{кисв}$ ни куйидагига тенг қабул ясалади

$$D_{кисв} = \sum \delta_{сг} \quad (43)$$

бу ерда $\sum \delta_{сг}$ - деворчалар қалинликларининг йиғиндисиди.

Белбоғлари ва деворчалари орасидаги чоклар буйича ерилишга текширишда (42) ифодада $R_{пр} = R_{ф,пр}$ кесимнинг ҳисобий кенглигини эса

$$D_{кисс} = n l_n \quad (44)$$

қилиб олинади, n - деворчалар баландлиги, l_n - вертикал чоклар сони

4 30. Қуштанр ва қутисимон кесимли эгилувчи унсурларлар деворчасининг ҳафрли кесими мустаҳкамлигини бош чўзувчи кучланишларга куйидаги ифода буйича текширилиши керак

$$\frac{\sigma_{сг}}{2} + \sqrt{\left(\frac{\sigma_{сг}}{2}\right)^2 + \tau_{сг}} < R_{кисс} \quad (45)$$

бу ерда $R_{ф,пр}$ - 6-илова, 17-расмдаги график буйича аниқланадиган фанернинг α , бурчак остида чўзилишга ҳисобий қаршилиги,

$\sigma_{сг}$ - деворчадаги, белбоғларнинг ички еки сатҳида эгилишдан пайдо буладиган нормал кучланишлар,

$\tau_{сг}$ - деворчадаги, белбоғларнинг ички еки сатҳидаги урғима кучланишлар,

α - куйидаги боғланишдан аниқланадиган бурчак

$$\alpha = \arctan \frac{2 \tau_{сг}}{\sigma_{сг}} \quad (46)$$

Ташқи қатламлар толалари унсур уқиға нисбатан буйламасига жойлашган деворчанинг устинорлигини, куйидаги шарт мажуд булган тақдирда урғима ва нормал кучланишлар таъсиринга текширилиши керак

$$\frac{R_{кисс}}{\sigma} > 50 \quad (47)$$

бу ерда $R_{кисс}$ - деворчанинг ички тоқчалари оқлари орасидаги баландлиги, δ - деворчанинг қалинлиги

Ҳисоблов куйидаги ифода буйича амалга оширилиши керак

$$\left(\frac{R_{кисс}}{k_1} \right) \cdot \left(\frac{1000}{k_2} \right) > 50 \quad (48)$$

бу ерда k_1 ва k_2 - 5-илова 18,19-расмлардаги графиклар буйича аниқланадиган коэффициентлар,

$h_{\text{хисб}}$ - деворчанинг қозурғалари орасидаги масофа $a \geq h_{\text{дав}}$ бўлганда $h_{\text{дав}}$ га тенг қилиб ва $a \geq h_{\text{дав}}$ бўлганда a га тенг қилиб олиниши керак бўлган ҳисобий баландлиги.

Фанер деворчанинг ташқи толлари унсур ўқиға нисбатан кундаланиға жойлашгандаги устиворлиғини (48)-ифода бўйича фақат уринма кучланишларға тақширилиши керак, шундай ҳолдаки, қачонки:

$$\frac{h_{\text{хисб}}}{s} > \chi_0 \quad (49)$$

Б. ЕҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАР УНСУРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ГУРУҲ ЧЕГРАВИЙ ҲОЛАТЛАРИ БҮЙИЧА ҲИСОБЛАШ

Ёғоч конструкциялар ёқи уларнинг айрим унсурлари деформацияларини бирикмаларнинг силжиши ва қайишқоқлиғини ҳисобға олган ҳолда аниқланиши керак. Қайишқоқ бирикма деформациясининг қийматини, унинг юк кутариш қобилиятидан тўла фойдаланилганда 15-жадвал бўйича, тўла эмасида эса - бирикмага таъсир этаётган зўриқишға пропорционал қилиб олиниши керак.

Бирикмаларнинг тури	15 - жадвал Бирикмалар деформацияси, мм
Рупарама-рупара ўйма киргизмали ва учма-ўч	1,5
Барча турдаги миҳчулларда	2,0
Толаларига кундаланиға туташуларда	3,0
Елимлилма бирикмаларда	0,0

4.32 Конструкциялар унсурларининг салқиликлари ва силжишлари КМК 2.01.07-96 да белгиланган чегаравий қийматларидан ортиб кетмаслиғи керак.

4.33 Эгилувчи унсурларнинг салқилиғини брутто кундаланг кесим инерция моменти бўйича аниқланиши керак. Тузилма кесимлар учун инерция моментини кучувчан бирикмалар силжишини ҳисобға олиб 13-жадвалда келтирилган $K_{\text{к}}$ га кўпайтирилади.

Доимий ва узгарувчан кесимли ошиқ-мошиқли таянган ва рафакли эгилувчи унсурларнинг энг катта салқилиғи f қуйидаги ифода бўйича аниқланиши керак.

$$f = \frac{f_0}{k} \left[1 + \left(\frac{h}{l} \right)^2 \right] \quad (50)$$

бу ерда f_0 - баландлиғи h бўлган доимий кесимли тўсинининг силжиш деформациясини ҳисобға олмаган ҳолдаги салқилиғи,

h - кесимнинг энг катта баландлиғи,

l - тўсин оралиғининг узунлиғи;

k - кесим баландлиғининг узгарувчанлиғи таъсирини ҳисобға олувчи коэффицент бўлиб, узгармас кесимли тўсинлар учун 1 га тенг қилиб олинади,

c - кундаланг кучдан силжиш деформацияси таъсирини ҳисобға олувчи коэффицент

k ва c коэффицентларнинг қийматлари тўсинларнинг асосий қисобий шакллари учун 5-иловадаги 3-жадвалда берилган.

4.34 Фанерни ёғочга елимлаб ясалган унсурларнинг салқилиғини, кесим бикирлиғини 0,7 $E_{\text{тп}}$ га тенг қилиб олиб аниқланиши керак. Салқиликни аниқлашда панеллар қопламаларининг қисобий кенглиғини 4.25-банд кўрсатмаларига мувофиқ қабул ясалади.

4.35 Симметрик юклантирилган ошиқ-мошиқли таянган сиқилиб-эгилувчи унсурларнинг ва рафакли унсурларнинг салқилиғи қуйидаги ифода бўйича аниқланиши керак.

$$f = \frac{f_0}{k} \quad (51)$$

бу ерда f_0 - (50)-ифода бўйича аниқланадиган салқилик,

ξ - (30)-ифода бўйича аниқланадиган коэффицент.

5 ЕҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАР УНСУРЛАРИ БИРИКМАЛАРИНИ ҲИСОБИЛАШ

Умумий кўрсатмалар

5.1 Бирикмага (боғловчига) таъсир этаётган зўриқиш бирикманинг (боғловчининг) қисобий юк кутариш қобилияти T дан ортиб кетмаслиғи керак.

5.2 Эзилиш ва ерилишга ишловчи бирикмаларнинг қисобий юк кутариш қобилияти қуйидаги ифодалар орқали аниқланиши керак.

а) ёғочнинг эзилиш шартидан

$$T = R_{\text{эз}} F_{\text{эз}} \quad (52)$$

б) ёғочнинг ерилиш шартидан

$$T = R_{\text{ер}} F_{\text{ер}} \quad (53)$$

бу ерда $F_{\text{эз}}$ - эзилишнинг қисобий юзаси,

$F_{\text{ер}}$ - ерилишнинг қисобий юзаси,

$R_{\text{эз}}$ - ёғочнинг, толалар ифодалашига бурчак остида эзилишга қисобий қаршилиғи,

$R_{\text{д}}$ - ёғочнинг, 5.3-бандда аниқланадиган, толалар бўйлаб ёрилишига ёрилиш майдончаси бўйича ўртача ҳисобий қаршилиги

5.3. Ёғочнинг ёрилишга ёрилиш майдончаси бўйича ўртача ҳисобий қаршилиги қуйидаги ифода бўйича аниқланиши керак

$$R_{\text{д}}^{\text{с}} = \frac{R_{\text{д}}}{1 + \rho \frac{l_{\text{ср}}}{e}} \quad (54)$$

бу ерда $R_{\text{д}}$ - ёғочнинг толалари бўйлаб ёрилишга ҳисобий қаршилиги (энг катта кучланиш бўйича ҳисоблашда),

$l_{\text{ср}}$ - синиш текислигининг ҳисобий узунлиги бўлиб, унсурга киритиш уйғи чуқурлигининг 10 бараваридан катта бўлмаган қилиб олинади;

e - ёрувчи кучларнинг олкаси бўлиб, унсурлар ораси тирқишсиз булган бирикмаларда носимметрик уйқли унсурларни ҳисоблаганда 0,5*h* га (5,а расм) ва симметрик уйқли симметрик юклантирилган унсурларни ҳисоблаганда 0,25*h* га (5,б расм) тенг қилиб олинади (*h* - унсур қундаланг кесимининг тула баландлиги);

ρ - 5,а-расмда курсатилган шакл бўйича ишлайдиган бирикмаларни ҳисоблаганда 0,25 га ва агар ёрилиш текислиги бўйича қисилши таъминланган бўлса 5,б-расмдаги шаклга биноан ишлайдиган бирикмаларни ҳисоблаганда ρ к 0,125 қилиб олинадиган коэффициент

$l_{\text{ср}}/e$ нисбат 3 дан кам бўлмаслиги керак

5.4. Конструкцияларни ҳисоблаганда елимли бирикмаларга ноқайшқок бирикмалар деб қаралиши керак.

5.5. Елимли бирикмалар:

а) тишли бирикмалардаги айрим қатламларини туташтиришда (6,а - расм),


б) кесимнинг баландлиги ва кенглиги бўйича қатламларни ёпиштириб бириктериш йули билан яхлит кесимларни (тахларни) ҳосил қилиш учун

Бунда тахнинг кенлиги бўйича, қушни қатламлардаги қирраларни елимланиш чокларини, бир бирига нисбатан қатлам қалинлиги 8 дан кам бўлмаган қийматга силжитилиши керак (6,б-расм).


в) кесимнинг бутун баландлиги бўйича тишли турумга бурчак остида бириктириладиган елимланган тахларни туташтириш учун (6,в-расм).

Бурчак остида туташтириладиган унсурларнинг уқлари орасидаги ички бурчагининг қиймати 104° дан кам бўлмаслиги керак

5.6. Муйловли бирикувни қўллаш ташқи қатлами толаси бўйлама бўлган фанерлар учун руҳсат этилади. Муйловли бирикувларнинг узунлигини туташтирилувчи унсурлар қалинлиги 10 бараваридан кам олмайд қабул ясалиши керак



5-расм. Бирикмалар унсурларидаги киргизиш уйқлари а) - носимметрик, б) - симметрик, в, г) - бирикмалардаги ёрилиш шакллари



6-рasm. Елимли бирикмалар

а- айрым қатламларни узунлиги буйлаб қатламга чиқиб турувчи тишли турум билан туташтирилганда; б- тахлар ҳосил қилишда ҳамда қатлами ва қирраси буйича елиштириб бирикгиришда; в- елимланган унсурларни бурчак остида тишли турум билан туташтирилганда

5.7. Унсурларда елимланган қатламлар қалинлигини, қуйидагига биноан, 33 мм дан катта қилиб олинмаслиги керак. Тўғри чизиқли унсурларда қатламлар қалинлиги, буйлама тешиклар қолдириш шarti билан, 42 мм гача бўлиши руҳсат этилади.

5.8. Фанерни ёғоч билан елимлаб ясаладиган унсурларда тахталарни, уларни фанер билан елимлашда 100 мм дан катта ва унсурларни 30° дан 45° гача бурчак остида бириктирилганда 150мм катта кенгликда қўлламаслик лозим.

Киргизма уймали бирикмалар

5.9 Рупарама-рупара киргизма уймали чорқирра ва думалоқ ёғочлардан ясалган унсурларнинг бирикма тугунларини бир тишли қилиб бажарилиши керак (7-рasm).


Уйиқлардаги ишчи эзилиш текислиги, кўндаланг эгилишини сезмайдиган унсурларни бириктирилганда тугашади-

ган сиқилган унсурнинг уқига тик жойлашкани керак. Агар туташувчи унсур сиқилишдан ташқари яна кўндаланг эгилишга дучор бўлса, уйиқлардаги ишчи эзилиш текислигини уқ буйлаб ва кўндаланг кучларнинг тенг таъсир этувчисига тик жойлаштириш керак.

Рупарама-рупара киргизма уйма бирикмали унсурлар боллар билан тортилган бўлиши керак.

5.10. Рупарама-рупара киргизма уймаларни ерилишга ҳисобий қаринлиги 5-банднинг 3-жадвали буйича қабул қилиб, 5.2 ва 5.3 бандлар кўрсатмаларига биноан ҳисобланиши керак.

5.11 Рупарама-рупара киргизма уймалар ерилиш текислигининг узунлигини 1,5*h* дан кам бўлмаган миқдорда қабул ясалиши керак, бу эрда *h* ерилаган унсур кесимининг тула баландлиги.



7-Расм Якка тишли рупарама-рупара киргизма уйма

Рупарама-рупара киргизма уйма чуқурлигини шапрак конструкцияларнинг оралиқ тугунларида $1/4$ h дан қолган ҳолларда $1/3$ h дан ошиб қилмай олиниши керак, бунда рупарама-рупара киргизма уймалар чуқурлиги h чорқирра гулаларда 2 см дан кам бўлмаслиги думалок егочларда эса 3 см дан кам бўлмаслиги керак.

5.12 Якка тишли рупарама-рупара киргизма уймаларни эзилишга ҳисоблашни эзилиш текислиги бўйича амалга оширилиши керак (7-расмга к). Егочнинг эзилиш бурчаги α ни, эзувчи зурриқини йўналиши ва унсурнинг эзиладиган толаси орасидаги бурчакка тенг қилиб олиниши керак.

Рупарама-рупара киргизма уймалар учун егочнинг толаларига бурчак остида эзилишига ҳисобий қаршилиги эзилиш майдони улчамларидан қатъий назар 3-жадвалнинг 2 изоҳидаги (2)-ифода бўйича аниқланиши керак.

Цилиндрсимон миxчўпли бирикмалар

5.13 Қарадан ва арчадан ясалган унсурлар бирикмаларида (8-расм) цилиндрсимон миxчўпнинг битта епишиб бириккиш чокида ҳисобий юк кўтариш қобилияти зурриқилар миxчўплар орқали толалар буйлаб бўлганда ва миxлар орқали ҳар қандай бурчак остида узатиладиганда 16-жадвал бўйича аниқланиши керак. Зарур бўлган ҳолларда цилиндрсимон миxчўпнинг 16-жадвал бўйича аниқланган ҳисобий юк кўтариш қобилиятини 5.15-банд кўр-

сатмаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

5.14 Цилиндрсимон миxчўпларнинг ҳисобий юк кўтариш қобилиятини, зурриқини миxчўп орқали толаларига бурчак остида узатиладиганда 5.13 бандга биноан қуйидагиларга қўйиштириш билан аниқланиши керак.

а) егочнинг миxчўп уясидаги эзилишни ҳисоблаганда, k , коэффициентга (18-жадвал).


б) миxчўпни эгилишига ҳисоблаганда μ қийматга, α -бурчакни қуриладиган чокка ёндош унсурларни миxчўп билан эзилиши бурчакларининг каттасига тенг қилиб олиниши керак.

5.15 Бошқа зотдаги егочлардан ясалган конструкциялар унсурларининг бирикмаларида миxчўпларнинг ҳисобий юк кўтариш қобилияти, эксплуатация ясаилишининг турли шароитларида, кўтарилган ҳарорат шароитларида фақат доимий узоқ муддатли вақтинчалик юклар таъсир этганида; 5.13 ва 5.14-бандлар кўрсатмаларига биноан қуйидагиларга қўйиштириб аниқланади:

а) миxчўпли бирикмаларни миxчўп уясида егочнинг эзилиш шартидан келиб чиқиб ҳисоблаганда 4-, 5-, 8-жадваллар ва 32,6 ва 32,в бандлар бўйича мос коэффициентларга;

б) миxчўпли бирикмани миxчўпнинг эгилиш шароитидан келиб чиқиб ҳисоблаганда шу коэффициентнинг квадрат ялдидан чиқарилганига.

5.16 Болтлар вки сидирга бўлмаган цилиндрсимон миxчўпли пулат қолла-



8-расм. Михчўпли бирикмалар
а-симметрик; б-носимметрик

16-жадвал

Бирикмаларнинг шакллари	Бирикмаларнинг зуриктирилган ҳолати	Битта елишиб бирикиш чохида (шартли киркма) T ҳисобий юк кўтариш қобилияти кН (кгк)	
		михнинг, пўлат, алюминий, стеклопластик михчўпнинг	эман михчўпнинг
1 Симметрик бирикмалар (8,а-расм)	а) Урта унсурлардаги эзилиш	$0,5cd$ (50 cd)	$0,3cd$ (30 cd)
	б) Четки унсурлардаги эзилиш	$0,8cd$ (80 cd)	$0,5cd$ (50 cd)
2. Носимметрик бирикмалар (8,б-расм)	а) Қалинлиги тенг бўлган ҳамма унсурларда, ҳамда бир киркувлик бирикмаларнинг қалинлиги каттароқ бўлган унсурларидаги эзилиш	$0,35cd$ (35 cd)	$0,2cd$ (20 cd)
	б) Икки киркмали бирикмалардаги қалинлиги каттароқ урта унсурдаги эзилиш $a \leq 0,5c$ бўлганда	$0,25cd$ (25 cd)	$0,14cd$ (14 cd)
	в) Қалинлиги юққароқ четки унсурлардаги эзилиш $a \leq 0,35c$ бўлганда	$0,8cd$ (80 cd)	$0,5cd$ (50 cd)
	г) Бир киркмали бирикмалардаги қалинлиги юққароқ унсурларда ва четки унсурлардаги эзилиш $c > a > 0,35c$ бўлганда	$k_{II}cd$	$k_{II}cd$
3. Симметрик ва носимметрик бирикмалар	а) Михнинг эзилиши	$2,5d^2 + 0,01L^2 (2,5d^2 + a^2)$, аммо $4d^2$ дан (400 d^2) катта эмас	-
	б) С38/23 пўлатдан ясалган михчўплар эгилиши	$1,5d^2 + 0,01L^2 (1,5d^2 + 2a^2)$, аммо $2,5d^2$ дан (250 d^2) катта эмас	-
	в) Д16-Т алюминий қотишмасидан ясалган михчўплар эгилиши	$1,5d^2 + 0,01L^2 (1,5d^2 + 2a^2)$, аммо $2,2d^2$ дан (220 d^2) катта эмас	-

Бирикмаларнинг шакллари	Бирикмаларнинг зўриктирилган ҳолати	Битта епиниб бириктирилган чоккида (шартли қиркма) 7 ҳисобий юк кўтариш қобилияти kH (т.к)	
		михнинг, пўлат, алюминий, стеклопластик михчўлининг	эман михчўлининг
г) АГ-4С стеклопластикдан ясалган михчўплар эгилиши		$115d^2 + 0,02z^2 (145z^2 + 2z^2)$, аммо $1,0d^2$ дан (180 d^2) катта эмас	
д) ДСПБ катлами егоч-пластикадан ясалган		$100d^2 + 0,02z^2 (80z^2 + 2z^2)$, аммо d^2 дан (100 d^2) катта эмас	
е) Эман михчўплар эгилиши			$0,35d^2 + 0,02z^2 (45z^2 + 2z^2)$, аммо $0,65d^2$ дан (65 d^2) катта эмас

Илоҳлар: 1-жадвалда c - ўрта унсурлар, ҳамда қалинлиги буйича тенг ёки бир қирқмали бирикмаларнинг қалинлиги каттироқ унсурлари қалинлиги, d - михчўлининг диаметри, ҳамда ўлчамлар, z - четки унсурлар, ҳамда бир қирқмали бирикмаларнинг қалинлиги каттироқ унсурлари қалинлиги

2. Икки қирқмали несимметрик бирикмаларда, унсурлар қалинлиги бир хил бўлмаган ҳолдаги михчўлининг ҳисобий юк кўтариш қобилиятини қуйидагиларни ҳисобла олгинг ҳолда аниқлаштириш керак

а) Қалинлиги C бўлган ўрта унсурдаги эгиниш шартидан келиб чиқиб, a -нинг c ва $0,5c$ оралиғидаги оралиқ қийматларидаги михчўлининг ҳисобий юк кўтариш қобилиятини жадвалнинг 2а ва 2б бандлари бўйича қийматлар оралиғида интерполляция орқали аниқлаштириш керак.

б) четки унсурлар қалинлиги a ва b бўлганда михчўлининг ҳисобий юк кўтариш қобилиятини жадвалнинг 2а ва 2б бандлари бўйича c ни a ва b оралиғидаги қийматлари билан четки унсурларда эгилиш шартидан келиб чиқиб аниқлаштириш керак.

в) михчўлининг эгилиш шартидан келиб чиқиб ҳисобий юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаганда жадвалнинг 3-бандида четки унсур қалинлиги a - ни $0,6$ дан катта бўлмаган қилиб олиниши керак.

3. Бир унвали бирикмаларнинг қалинлиги юқтароқ унсурларидаги ва несимметрик бирикмаларнинг четки унсурларидаги эгилишда $c = 0,35$ бўлишида ҳисобий юк кўтариш қобилиятини аниқлаш учун k_1 коэффицентларининг қийматларини 17-жадвалда кўрсатилган.

4. Қўрилатган чоккидаги михчўлининг ҳисобий юк кўтариш қобилиятини 16-жадвалдаги ифодалар буйича олгинг ҳамда қийматларидан кичинига тенг қилиб олиниши керак.

5. Агар 5.18 ва 5.22 бандларга мувофиқ михчўлларни жойлаштириш шартлари бажарилган бўлса, михчўли бирикмаларнинг ерилишига ҳисоблаштириш керак эмас.

6. Михчўллар диаметри d ни унинг эгилиш буйича юк кўтариш қобилиятидан энг кўп тўта фойдаланиш шартидан келиб чиқиб белгилаштириш керак.

7. Михчўплар сонини n , ни, михчўлдан ташқари симметрик бирикмаларда қуйидаги ифода буйича аниқлаштириш керак.

$$n = \frac{N}{Tn_0} \quad (55)$$

бу ерда N - ҳисобий зуртиши;

T - 16-жадвал ифодалари буйича топилиш энг кичини ҳисобий юк кўтариш қобилияти;

n_0 - битта михчўлининг ҳисобий чоклари сон.


Михчўлининг тури	a/c бўлгандаги бир қирқмали бирикма учун k_1 коэффицентининг қийматлари						
	0,35	0,5	0,6	0,7	0,8	0,9	1
Мих пўлат, алюминий ва стекло-пластик михчўл	0,8 0,6	0,8 0,8	0,8 0,8	0,8 0,8	0,8 0,8	0,8 0,8	0,8 0,8
Эман михчўл	0,5 0,5	0,5 0,5	0,5 0,5	0,5 0,5	0,5 0,5	0,5 0,5	0,5 0,5

Илоҳ: Махражиди кк да k_1 нинг T учун қийматлари кўрсатилган

Бурчак, град	k_a - коэффициент				Эман миxчўплар учун
	пўлат, алюминий ва стеклопластик миxчўрларнинг қуйидаги диаметри учун, мм				
	12	16	20	24	
30	0,95	0,9	0,9	0,9	1
60	0,75	0,7	0,65	0,6	0,8
90	0,7	0,6	0,55	0,5	0,7

Изоҳлар: 1. k_a - коэффициентнинг қийматлари оралиқ бурчаклар учун интерполяция орқали аниқланади. 2. Бурчак остида эзилишга ишлайдиган қалинлиги катта унсурлар учун, бир қирқмалли бирикмаларни ҳисоблаганда k_a -нинг қийматини: $c/1a < 1,5$ бўлганда 0,9 ва $c/1a \geq 1,5$ бўлганда 0,75 қўшимча коэффициентларига қўлайтирилиши керак.

гич ва қистирмаси бўлган миxчўпли бирикмани (9-расм), миxчўплар қўйилишининг зарурий зичлиги таъминланган ҳоллардагина қўллашга рўхсат этилади. Сидирга бўлмаган цилиндрсимон пўлат миxчўпларнинг еғочга қирган қисми миxчўпларнинг 5 диаметридан кам бўлмаган чуқурликка эга бўлиши керак.



9-расм. Пўлат қоплагичли миxчўпли бирикмалар

а-болтларда; б-сидирга бўлмаган цилиндрсимон миxчўпларда

Пўлат қоплагичи ва қистирмаси бўлган миxчўпли бирикмалар 5.13-5.15 бандларга биноан ҳисобланиши лозим бўлиб, эгилиш шартидан ҳисоблашда (3-банд, 16-жадвал) миxчўпларнинг энг катта юк қўтариш қобилияти қабул ясалиши керак.

Пўлат қоплагич ва қистирмаларни кучсизланган кесим бўйича чузилишга ва миxчўп остида эзилишга текширилиши керак.

5.17 Бир ҳил материалдан ясалган, аммо диаметри ҳар ҳил бўлган цилиндрсимон миxчўпли бирикмаларнинг юк қўтариш қобилиятини, пасайтирувчи коэффициент-0,9 киритиладиган чузилган туташма чокларини ҳисобга киритмасдан барча миxчўплар юк қўтариш қобилиятининг ийғиндиси сифатида аниқланиши керак.

5.18 Цилиндрсимон миxчўпларнинг ўқлари орасидаги еғоч толалари бўйлаб S_1 , толаларига қўндалангига S_2 ва унсурнинг қиррасидан S_3 масофани (10-расм) қуйидагилардан кам бўлмаган ҳолда олиниши керак.

пўлат миxчўплар учун $S_1 = 7d$, $S_2 = 3,5d$, $S_3 = 3d$,

алюминий ва стеклопластик миxчўплар учун $S_1 = 6d$, $S_2 = 3,5d$, $S_3 = 3d$,

эман миxчўплар учун $S_1 = 5d$, $S_2 = 3d$, $S_3 = 2,5d$.


Тахлар қалинлиги b , $10d$ дан кичик бўлганда (10-расм) қуйидагича олишга рўхсат этилади:

пўлат, алюминий ва стеклопластикли миxчўплар учун $S_1 = 6d$, $S_2 = 3d$, $S_3 = 2,5d$,

эман миxчўплар учун $S_1 = 4d$, $S_2 = S_3 = 2,5d$.

5.19 Чузилган туташма чокларида миxчўпларни икки еки гурт бўйлаб қаторда жойлаштирилиши керак, юмалоқ еғоч материаллардан ясалган конструкцияларда миxчўплар ўқлари орасидаги масофани толалар бўйлаб $2S_1$, толаларига қўндалангига эса, $S_2 = 2,5d$ қилиб, икки қаторда шахмат қурилишида жойлаштиришга рўхсат этилади.

5.20 Миx учининг ҳисобий киритилиш узунлигини аниқлашда $1,5d$ узунликдаги миxнинг ўткирилган учини ҳи-



10-расм Михчулларни жойлаштириш
а) тўғри, б) шахмат қурилишида

собга олинмаслиги керак, ундан ташқари бириктирилатган унсурлар орасидаги ҳар бир чокда мих узунлигидан 2 мм дан айириб ташланиши керак.

Агар мих учининг киритилиш узунлиги $4d$ дан кичик бўлса, унга туташадиган чокдаги унинг иши ҳисобга олиниши керак эмас.

Мих таҳдан эркин чиққанида охириги унсурнинг ҳисобий қалинлигини $1,5d$ га камайтирилиши керак (11-расм).

Михларнинг диаметрини тешиладиган унсурлар қалинлигининг $0,25$ дан катта бўлмаган қилиб қабул ясалиши керак.

5.21 Михларнинг ўқлари орасидаги масофани ёғоч толаси буиламасига қуйидагидан кам бўлмаган қилиб олиниши керак.

тешиладиган унсур қалинлиги $c \leq 10d$ бўлганида $S_1 = 15d$,

тешиладиган унсур қалинлиги $c \leq 4d$ бўлганида $S_1 = 25d$.

Қалинлик C нинг оралик қийматлари учун энг кам масофа интерполялаб аниқланиши керак.

Михлар сидра тешиб ўтмайдиган унсурлар учун, уларнинг қалинлигидан қатъий назар михлар ўқлари орасидаги масофани $S_1 \leq 15d$ га тенг қилиб олиниши керак.

Ёғоч толасининг буиламаси буйича михдан унсурнинг чеккасигача бўлган

масофа барча ҳолларда камида $S_1 = 15d$ олиниши керак.

Ёғоч толасига қундаланг михлар ўқлари орасидаги масофа михлар тўғри жойлаштирилганда камида $S_2 = 4d$ қилиб олиниши керак, шахмат қурилишида жойлашганда ёки уларни $\alpha = 45^\circ$ бурчак остида қий қаторли қилиб жойлаштирилганда (12-расм) масофа $3d$ гача камайтирилиши мумкин.

Михларнинг четки қаторидан унсурнинг буилама қиррасигача бўлган масофа S_3 ни камида $4d$ қилиб олиниши керак.


Илоҳ Осина ольха ва терақдан ясалган унсурларда ёғоч толасининг буиламаси булаб михлар орасидаги масофани юқорида қуратилаганига нисбатан 50% га қулайтирилиши керак.

5.22 Силжиган ишловчи михчуллар сифатида бурама мих ва глухарларни пулат қоплагичли ва бакелизирланган фанердан ясалган қоплагичли бир қирқмали бирикмаларда қўллашга руҳсат этилади. Бурама михлар ўқлари орасидаги масофани, 5.18-банд қуратмалари буйича, пулат цилиндрсимон михчуллар учун каби қабул ясалиши лозим.

5.23 Бурама михлар ва глухарларнинг, уларнинг кесик бўлмаган қисмини ёғочга камида икки диаметрга киритилган ҳолдаги юк кўтариш қобилияти



пасм. Мих учининг киритилиш ҳисобий узунлигини аниқлаш



12-расм. Михларни қия қаторли қилиб жойлаштирилиши

лўлат цилиндрсимон михчўпларга оид қоидалар бўйича аниқланиши керак

Суғурилишга ишлайдиган оддий ва бурама михли бирикмалар

5.24. Михларни суғурилишга қаршилигини иккинчи даражали унсурларга (туша-малар, шиллар қопламалари ва х.к.) унсурларда еки михларнинг суғурилиши уларнинг михчўп каби ишлаши билан бирга бажарилаётган конструкцияларда ҳисобга олиш рўхсат этилади.

Михларни суғурилишга ишлашини, олдиндан тешилган тешикларга қоқилган, учи-кэти тарафига (толаларига бўйламасига) қоқилганда, ҳамда конструкцияларга динамик таъсирот мавжуд бўлганида ҳисобга олишга рўхсат этилмайди.

5.25. Ёғочга, унинг толаларига қўндалангига қоқилган битта михнинг суғурилишга ҳисобий юк қўтариш қобилияти, МН (кгк) ларда қўйидаги ифода бўйича аниқланиши керак:

$$T_{\text{сн}} = R_{\text{сн}} \pi d l_1 \quad (56)$$

бу ерда $R_{\text{сн}}$ михнинг ёғоч билан туташган бирлик юзасига туғри келади-ган, суғурилишга ҳисобий қаршилиги бўлиб, ҳаводаги қуруқ ёғоч учун 0,3 МПа (3кгк/см²)га, конструкцияда қурийдиган ким ёғоч учун - 0,1 МПа (1 кгк/см²)га тенг қилиб олиниши керак; d михнинг диаметри(см), l_1 -5 20-бандга биноан аниқланадиган, михни суғурилишга қаршилик кўрсатувчи киритилган қисмининг ҳисобий узунлиги, м(см)

Изоҳлар 1 Ҳаводаги қуруқ ёғоч учун суғурилишга ҳисобий қаршилигини, оширилган нэмлик ва ҳарорат шароитларида, ҳамда қисқа муддатли еки вақтинчалик доимий ва узоқ муддатли юклар таъсиринга ҳисоблаганда, мазкур меъёرنинг 3 2б ва 3 2в-бандларидаги 5-, 6-жадвалларда келтирилган коэффицентларга қўлланирилиши керак

2. Михларнинг диаметри 5мм дан катта бўлганда, ҳисобловга 5мм га тенг диаметр киритилади

5 2б Михнинг киритилиш қисми узунлиги михланаётган ёғоч унсур қалинлигининг икки бараваридан кам бўлмаслиги ва 10d дан кам бўлмаслиги керак.

қоблятини, кН (кгк) ларда қуйидаги ифода буйича аниқлаш керак:

$$T_{\text{сж}} = R_{\text{сж}} \cdot l \quad (58)$$

бу ерда $R_{\text{сж}}$ - лаппаксимон ёғоч миҳнинг кенглиги бўлиб, см, бириктирилаётган унсурларнинг эки буйи сидирга ўтадиган лаппакларда уларнинг кенглиги $b_{\text{плк}}$ га ва сидирга ўтмайдиган лаппакларда $b_{\text{плк}} = 0,5b$ тенг қилиб олиниши керак.

Епиштириб бириктириш учун бошқа зотли ёғочлар қўлланилган ҳолларда 4-жадвал бўйича (ёрувчи кучланишлар учун) тўғриловчи коэффициент киритилиши керак.

Оширилган намлик ёки ҳароратлар шароитларида қисқамуддатли ёки доимий ва узок муддатли зақинча юкларга ҳисобланадиган конструкциялар учун лаппаксимон ёғоч миҳнинг ҳисобий юк кўтариш қоблятини 5- ва 6-жадваллар ва 3.2в бандлар бўйича тўғриловчи коэффициентларга кўпайтириш керак.

Суғурилишга ёки эзилишга ишловчи, елимланган пўят стерженлардаги бирикмалар

5.30. А-II ва ундан юқори синфдаги, диаметри 12 дан 25 мм гача булган даврий профилли арматуралардан қилинган, суғурилишга ва эзилишга ишловчи елимланган пўлат стерженли бирикмаларни, атрофидати ҳавонинг ҳарорати 35° дан ортик бўлмаганда А1, А2, Б1 ва Б2 эксплуатация шароитларида қўллашга рўхсат этилади.

Изоҳ. Ёғин пайтида метали оловнинг туғридан-туғри таъсирига учрайдиган очик бирикмаларда елимланган стерженларни қўллаш рўхсат этилмайди.

5.31. Олдиндан тозаланган ва мойсизлантирилган стерженларни елимлашни пармалаб олинадиган тешик ёки фрезалаб олинадиган уйиқларда, эпоксид қатронлар асосидаги тақиблар билан амалга ошириш керак (14-расм). Тешик ёки уйиқларнинг диаметрларини елимланадиган стерженларнинг номинал диаметрларидан 5 мм га каттароқ қилиб олиниши керак.

5.32. Елимланадиган стерженнинг, қарағай ва арчалардан қилинган ёғоч конструкциялар унсурларининг чузилган ва сиқилган туташма чокларидаги, толалари буйлаб ва кўндалангига суғурилишга ёки эзилишга ҳисобий юк

Суғурилишга ишлайдиган миҳларнинг жойлаштирилишини силжишга ишловчи миҳларнинг жойлаштирилиши қоидалари буйича (5.21-бандга қаралсин) амалга оширилиши керак.

5.27. Толаларига кўндаланг қилиб буралган битта бурама миҳ ёки глуҳарнинг суғурилишга ҳисобий қаршилиги, МН (кгс) ларда, қуйидаги ифода буйича аниқлаши керак:

$$T_{\text{сж}} = R_{\text{сж}} \cdot d \quad (57)$$

бу ерда $R_{\text{сж}}$ - бурама миҳ ёки глуҳарнинг, бурама миҳ резбали қисмининг ёғоч билан туташган бирлик юзасига тўғри келувчи, суғурилишга ҳисобий қаршилиги бўлиб, ҳаводаги қуруқ ёғоч учун 1 МПа (10 кг/см²) га тенг қилиб олиниши керак, суғурилишга ҳисобий қаршилиқни, мос ҳолатларда мазкур меъёрнинг 5-, 6-жадваллари ва 3.2в ва 3.2в-бандларида келтирилган коэффициентларга кўпайтирилиши керак.

d - бурама миҳ резбали қисмининг ташқи диаметри, м (см);
 l_1 - бурама миҳнинг суғурилишга қаршилиқ кўрсатувчи резбали қисми узунлиги, м (см).


Мурватларнинг ўқлари орасидаги масофа $S_1 = 10d$; $S_2 = S_3 = 5d$ дан (10-расмга қаралсин) кам бўлмаслиги керак.

Лаппаксимон ёғоч миҳли бирикмалар


5.28. Эман ёки оқ қайиндан қилинган лаппаксимон ёғоч миҳларни (лаппакларни), эгилишга ва эгилиши сиқилишга ишлайдиган, қурилиш сўйрилигига эга булган тузилма унсурлардаги чорқирра фўлаларни епиштириб бириктириш учун қўллашга рўхсат этилади. Лаппаклар ва улар учун уяларнинг ўлчамларини, ҳамда епиштириб бириктирилаётган унсурларда уларнинг жойлаштирилиши 13-расмга кўра қабул қилиш лозим. Лаппаклардаги толалар йўналиши унсурларнинг епиштириб бириктириш текислигига тик йўналишда бўлиши керак.

Кесимнинг баландлиги бўйича учтадан ортик унсурларни епиштириб бириктириш, ҳамда уз, насига тиркаб бириктирилган унсурларни қўллаш рўхсат этилмайди.

5.29. Қарағай ва арчалардан қилинган унсурларнинг бирикмаларидаги, эман ёки қайиндан қилинган, ўлчалари 13-расмга кўра, лаппаксимон ёғоч миҳнинг ҳисобий юк кўтариш



13-расм. Лапаксимон ёғоч миخلي бирикмалар
 а- сидирға утувчи лапакли, б- сидирға утмайдиған лапакли



14-расм. Даврий профилли арматура-лардан қилинған өлимланған пулиг стерженли бирикмалар
 а - пармалаб олинадиган тешиқларда-ги, б- фрезалаб олинадиган уйиқлардаги

кўтариш қобилиятини, МН (кгк) ларда куйидаги ифода буйича аниқлаш керак

$$T = R_{ca} \cdot d + 0.005 \rho_{ca} \cdot (T = R_{ca} \cdot d + 0.5 \rho_{ca}) \quad (59)$$

бу ерда d - өлимланадиган стерженнинг номинал диаметри, м(см); l - стерженнинг киритиладиган қисми узунлиги бу-либ, ҳисоблаш орқали, аммо $10d$ дан кам ва $30d$ дан катта булмаған қилиб олиниши керак; K_c - силжиш-кучлани-шининг, стерженнинг киритиладиган қисми узунлигига боғлиқ ҳолда нотөкис тарқалишини ҳисобга олувчи коэффи-циент бўлиб, куйидаги ифода буйича аниқланиши керак:

$$K_c = 1.2 - 0.02 \frac{l}{d} \quad (60)$$

бу ерда R_{ca} - ёғочнинг ёрилишга ҳисоб-бий қаршилиги булиб, МПа (кгк/см²) ларда, 5г банд 3-жадвал буйича аниқланади.

5.33 Толалар буйлаб эзилишда суғурилишга иллайдиган, өлимланған стерженлар ўқлари өрасидаги масофа-ни камида $S_2 = 3d$, тэшки ёқларгача эса, камида $S_3 = 2d$ қилиб олиниши керак.

6 ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ЛОЙИ-ХАЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР Умумий курсатмалар

6.1 Ёғоч конструкцияларни лойиха-лашда.

а) ёғоч конструкцияларни тайёрловчи корхоналарнинг ишлаб-чиқариш имкониятлари ҳисобга олинishi;

б) транспорт воситаларининг имкониятлари ҳисобга олинishi;

в) ёғочдан имкони борича кам чиқит ва исрофгарчилик билан фойдаланиш;

г) монтаж ва эксплуатация қилиш жараёнида айрим конструкцияларнинг ҳамда ялпи бино ёки иншоотнинг умумий устиворлиги ва узгармаслигини таъминлаш буйича чора-тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

6.2 Ёғоч конструкцияларда ёғоч ҳароратининг узгаришидан, ҳамда ёғочнинг қуриши ва бўкишидан толалари буйлаб вужудга келадиган кучланиш ва деформацияларни ҳисобга олиш керак эмас.

Тиралма булмаган ёғоч конструкциялар оралиқлари 30 м дан катта бўлганда, таянчларидан бирортаси ҳаракатланувчи бўлиши керак.

6.3 Ёғоч конструкцияларни ҳисоблашда ишқаланиш кучи таъсирини қуйидаги ҳолларда ҳисобга олмоқ лозим

а) агарда тизимнинг мувозанати, унсурнинг доимо тиралиб туриши ва динамикага оид юкнинг булмаслиги шароитида, фақат ишқаланиш билан таъминланган бўлса, бунда ёғочнинг ёғоч буйича ишқаланиш коэффициентини қуйидагиларга тенг қилиб олинishi керак

уч-кетнинг ен сирт буйлаб - 0,3,
ен сиртларнинг - 0,2;

б) агар ишқаланиш конструкция ва бирикмаларнинг иш шароитини ёмонлаштирса, унда ишқаланиш коэффициенти 0,6 га тенг қилиб олинishi керак

6.4. Тилинган ёғочлардан қилинган чузилувчи ва эгиладиган унсурларнинг қирраларида кучсизланишларга йул куймаслик лозим

6.5. Юмалоқ ёғоч материаллардан қилинган унсурларни устиворликка ҳисоблов, унсур ҳисобий узунлигининг қоқ уртасида жойлашган қесими буйича, мустаҳкамликка эса, энг катта эгувчи моментга эга бўлган қесими буйича амалга оширилиши керак

6.6. Ёғоч конструкцияларнинг фазовий биқрлиги уфқий ва тик боғловчилар урнатиш билан таъминланиши керак

Қўдаланг боғловчилар тезда белбоғлар текислигида ёки юк кўтарувчи конструкцияларнинг усти буйича жойлаштирилиши керак

Боғловчи фермаларнинг белбоғлари сифатида юк кўтарувчи конструкцияларнинг тезда белбоғларидан ёки бутун қесимидан фойдаланиш лозим.

6.7 Қоплама тахтасининг таянч қисми ўлчови 5,5 см дан кам булмаслиги керак. Қоплама тахталари юк кўтарувчи конструкцияларга ҳар бир томонидан, силжиш ва узвилиш зурқиқшларини қабул қилувчи бирикмалар билан маҳкамланиши керак.

6.8 Чузилувчи ёғоч унсурлар туташма чокларни битта қесимда бйрлашгиб, уларни пўнги цилиндросимён ёғоч мюлар ёки булак бирикмалардаги қоплагичлар билан қоплаб амалга ошириш керак.

Чузилувчи унсурлар туташмаларининг конструкциялари чузувчи зурқиқшини ўқи буйлаб узатилишини таъминлаши керак.

6.9 Турли қайишқоқликка эга боғловчилардаги бирикмали тугунлар ва туташма чокларни, ҳамда бир қисми бевосита, бир қисми эса оралик унсур ва бирикмалар орқали бириктирилган ёғоч унсурларнинг туташма чокларни қўлламаслик лозим.

6.10 Ёғоч конструкцияларнинг унсурлар, унсурларнинг эксцентрикавий ҳолатда бирикуви ҳисобий қесимга таъсир этувчи эгувчи моментни камойтирадиган ҳолларни исқисно қилинганда, тугунларда, туташма чокларда ва таянчларда марказлаштирилиши керак

6.11 Конструкция унсурлари тугун ва туташма чокларда болтлар билан тортилган бўлиши керак, қайишқоқ бирикмалардаги тузилма унсурлар эса, тугунлар ораликида ҳам тортилган бўлиши керак

Цилиндрик ёғоч миҳли бирикмаларда туташманинг ҳар икки томонидан камида уфқидан тортқич болтлар қуйилган бўлиши керак

Тортқич болтларнинг диаметри d_1 ни ҳисоблаш орқали, аммо 12 м^г кам булмаган қилиб олинishi керак. Тортқич болтлар шайбаларининг тўмонлари ёки диаметри камида $3,5 d_2$ ва қалинлиги камида $0,25 d_2$ ўлчамга эга бўлиши керак

6.12 Юк кўтарувчи шापарақ конструкциялар ёғоч унсурлари нетто қўдаланг қесимининг юзаси 50 см² дан кам булмаслиги, ҳамда симметринга ҳос кучсизлантирилишида гула юзаси брутто қесимининг 0,5 идан ва носимметрик

заифранишда 0,67 дан кам бўлмаслиги керак

Тўсинлар, сарровлар, тўшамалар

6.13 Тўсинлар, сарровлар, тўшамалар, паҳжад тахта ва бошқа ўлчулвчи унсурлар мустақкамликка эга салқилликка ҳисобланган керак. Энг сатта соҳналикларнинг қирқмадари КМК 2.01.07-98 да қўрабтилганларидан кхори бўлмаслиги керак.

6.14 Тошма ости тўшамалари ва паҳжад тахталари оққорнинг қуйидаги ўлчуланишда ҳисобланган керак:

а) қордан, доимий ва вақтинчалик (мустақкамликка ва салқилликка ҳисоблов);

б) тўланган юқдан, доимий ва вақтинчалик, кН (100 кг), охиригини орттирма юқлантириш коэффициентини $\approx 1,2$ га қўлайтириб (фақатгина мустақкамликка ҳисоблов).

Сидирга яланг тўшамادا ёки тахталар ёки чорқирра гулчалар ўқлари орасидаги масофаси 150 мм дан катта бўлмаган сийравлаштирилган тўшамادا тўланган юқдан тушадиган юклемаларни иккита тахта ёки чорқирра гулчага, масофаси 150 мм дан катта бўлганида эса - битта тахта ёки чорқирра гулчага узатилиши керак. Қушалок (ишчи ва ишчисига бурчак остида йуналтирилган ҳимояловчи) тўшамادا тўланган юк ишчи тўшаманинг 500 мм ли кенглигига тақсимланиши керак.

6.15 Таянчдаги бир бутун ёғочдан қилинган эгилувчи унсулар қўзилиш соҳасида $a \leq 0,25h$ чуқурликка эга бўлган қирқма ўймалар қуйидаги шарт бажарилган тақдирда рухсат этилади:

$$\frac{A}{bh} < 0,4 \text{ МПа} = 4 \text{ кг/см}^2, \quad (61)$$

бу ерда A - ҳисобий юқдан пайдо бўлган таянч экстабсири;


b ва h - унсул кўндаланг кесимининг қирқма ўймасиз кенглиги ва баландлиги.

Қирқма ўйманинг таяниш майдончаси узунлиги c , кесим баландлиги h дан катта бўлмаслиги қия ўйилган жойнинг узунлиги c , эса a - чуқурликнинг икки бараваридан кам бўлмаслиги керак (15-расм).

6.16 Рафақ-тўсинли сарровларда ошиқ-мошиқларни қия кесиклар қўришида амалга оширилиши керак.

Тўланган юқларни конструкцияларнинг юк қўтарувчи унсуларига уза-

тишни устки ёқлари орқали амалга оширилиши керак.



15-расм. Тўсиннинг қия ўйилган уч

Тўсинма тўсинлар

6.17 Қайишқоқ боғловчиларли тўсинма тўсинларга боғловчилар ўрнатилганига, унсуларни букча йўли билан уларга қўрилиш сўйрилигининг шаклини бериш керак. Қўрилиш сўйрилигини (тўсиннинг кейинчалик тўриланишини ҳисобга олмасдан) тўсинма тўсиннинг ҳисобий юк остидаги салқилигига нисбатан бир ярим баробар катталаштириб олиниши керак.

6.18. Чорқиррасимон тўзилма тўсинларни учтадан кўп бўлмаган чорқирра гулаларни лаппаксимон ёғоч миҳлар ердмида епиштириб бириктирилиши керак.

Елимланган тўсинлар

6.19 Ошиқ-мошиқли таянадиган елимланган тўсинларга оралигининг $1/200$ га тенг бўлган қўрилиш сўйрилиги берилиши керак. Елимланган эгилувчи ва сиқилиб-эгилувчи унсуларда, қирғоқига яқинроқ соҳаларида кўндаланг кесими баландлигининг $0,15$ қисми учун, y буйича (R_y, R_c) ҳисобий қаршилиқлари тайинланадиган, нави юқорироқ бўлганини ишлатиб, икки навали ёғочларни бирга ишлатиш руҳсат этилади.

6.20 Ясси фанер деворчали елимланган тўсинларнинг белбоғларини тик жойлаштирилган қатламлардан (тахталардан) бажарилиши керак. Қутисимон кесимли тўсинлар белбоғларида қатламларни уфқий жойлаштирилишига руҳсат этилади. Агар белбоғларининг баландлиги 100 мм дан ошса, уларда деворча томондан уфқий тилинмалар кузда тутилиши керак.

Тўсинларнинг деворлари учун қалинлиги камида 8 мм бўлган сувағ чидамли фанерлар қўлланилиши керак.

Фермалар

6.21. Узлукли ва узлуксиз белбоғли фермаларни ҳисоблашни, деформацияланган ҳолатда буйича тугун бирикмала-

рининг қийинчиқоңиғини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Узлуksиз бөлбөлги формаларда унсурлардаги уқга оид зўриқичлари ва силжишларини ошиқ-мошиқли тугунлар дөб фарзат қилиб аниқлашга рўхсат этилади.

6.22. Формаларни, олимланган конструкцияларда юқоридаги ва пастрдаги бөлбөлгари буйича букиши йўли билан амалга ошириладиган, оралиғининг 1,200 узунлидан кам бўлмаган кўрилиши сўврилгани билан лойиҳаланиши керак.

6.23. Формалар сиқилган унсурларини ҳисобга узунлиғини, уларни форма текислиғида устиворликка ҳисоблашда, тугунлар маркази орасидаги, текислиқдаги ени эса - улар текислиқдан ташқарига маҳкамланган нуқталари орасидаги масофаларга тенг қилиб қабул қилиниши керак.

